

Боқий фикр
Ери бойнинг —
эли бой,
Эли бойнинг —
ери.

Ўзбек халқ мақоли



Kuch — bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT

XALQ ZIYOLILARI GAZETASI

معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2014-yil 25-oktabr, shanba № 86 (8735)

ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИ ВА БАРЧА МЕХНАТКАШЛАРИГА

Азиз миришкор пахтакорлар!

Қадрли деҳқон ва фермерлар!

Сиз, азизларни шу кунларда ўта машаққатли, шу билан бирга, шарафли меҳнатингиз эвазига 3 миллион 400 минг тоннадан зиёд юксак пахта хирмони бунёд этиб, шартнома мажбуриятингизни адо этганингиз билан самимий табриклашдан, чин қалбимдан ҳурмат ва эҳтиромимни билдиришдан бахтиёрман.

Пахта ўстиришнинг ўзи ҳар қайси деҳқон, фермер ва мутахассисдан нақадар мураккаб ва оғир меҳнатни, чуқур билим ва тажрибани, она еримизга меҳрини бериб, тупроқ билан тиллашиб яшашни, лўнда қилиб айтадиган бўлсак, кундалик фидойиликни талаб қилишини бутун элимиз, халқимиз яхши билади ва бу йилги мавсумда қўлга киритган зафарларингизни юксак баҳолайди, десам, айти ҳақиқатни айтган бўламан.

Халқимизда, деҳқон учун осон йилнинг ўзи бўлмайди, деган теран маъноли ибора бор. Бу йилги мавсум бу фикрни яна ва яна бир бор тасдиқлаб бермоқ-

да. Баҳор фаслида ҳаво ҳароратининг одатдагидан нисбатан паст бўлгани, чигитнинг униб чиқиши 8-10 кунга кечиккани, айрим ҳудудларда ғўзани сел ва дўл уриб кетгани, турли касаллик ва зараркунандалар кўпайгани, ёздаги сув танқислиги, кузнинг анча эрта ва салқин келгани деҳқон ва фермерларимиз учун жиддий қийинчиликлар туғдирди.

Жорий мавсумнинг мана шундай ноқулай ва мураккаб келишига қарамасдан, биринчи навбатда кўп йиллар давомида тўпланган тажриба ва замонавий агротехникани самарали қўллаганимиз, шулар қаторида ўз вақтида ғўзани "шарбат" усулида суғориб, маҳаллий ўғитнинг орттириб берилгани, олим ва мутахассисларнинг тавсия ва маслаҳатлари туфайли, қандай оғир бўлмасин, ҳосилни сақлаб қолишга эришганимиз, бир сўз билан айтганда, деҳқон ва фермерларимизнинг мардлиги ва матонати, ташаббускорлиги бу йилги ютуғимизнинг қадриқимматини янада оширади.

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

**ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ
ГУРБАНГУЛИ МЯЛИКГУЛИЕВИЧ БЕРДИМУХАМЕДОВНИ
«МУСТАҚИЛЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбек ҳамда туркман халқлари ўртасидаги ҳар томонлама дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасида ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги катта хизматлари, тинчликни таъминлаш ва халқаро алоқаларни кенгайтириш ишларида қўшган сал-

моқли ҳиссаси учун Туркменистон Президенти Гурбангули Мяликгулиевич Бердимухамедов «Мустақиллик» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2014 йил 22 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКМАНИСТОН:

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан 23-24 октябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Ташрифнинг асосий воқеалари 24 октябрь куни бўлди. Расмий кутиб олиш маросимидан кейин Президентларнинг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбек ва туркман халқларининг тарихи, маданияти ва қадриятлари муштарак, тил ва урф-одатлари ўхшаш. Икки халқ азалдан бир-бирининг маданиятини бойитиб, савдосотиқ қилиб келади, бир дарёдан сув ичади.

Аждодларимизнинг илмий, маданий-маънавий ва адабий мероси халқларимизнинг умумий мулкидир. Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, Туркменистонда Алишер Навоий, Ўзбекистонда Махтумқули асарлари катта қизиқиш билан мутолаа қилинади ва тадқиқ этилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги муносабатлар

юксак суръатлар билан ривожланмоқда. Бунда аввало икки давлат раҳбарлари ўртасидаги яқин дўстлик, ишонч ва самимият муҳим аҳамият касб этмоқда.

Олий даражадаги учрашувларнинг мунтазамлиги давлатлараро муносабатлар юксак даражада эканидан далолатдир.

Ўзбекистон ва Туркменистон раҳбарларининг бу галги Ашхобод учрашуви олий даражадаги самарадор ва фол мулоқотларнинг мантиқий давоми бўлди.

(Давоми 3-бетда.)

8-dekabr — O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi kuni

КОНСТИТУЦИЯ ҚАНДАЙ ЎРГАНИЛМОҚДА?



7-бетга қаранг.

Oliy Majlis Qonunchilik palatasida

ДЕПУТАТЛАР 2015 ЙИЛДА ИШ ЎРИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ ДАСТУРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР

Аввал хабар берилганидек, 22 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Куннинг иккинчи ярмида депутатлар 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳасини муҳокама қилдилар. Ушбу масала юзасидан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири А.Абдуҳақимов маъруза қилди.

(Давоми 5-бетда.)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФАН
ВА ТЕХНИКА, АДАБИЁТ, SAN'AT ВА
МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ
МУКОФОТЛАРИ КЕНГАШИДАН**

6-бет

ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИ ВА БАРЧА МЕХНАТКАШЛАРИГА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Шу маънода, бугунги юксак хирмонни бунёд этишда ўзини аямасдан, жонбозлик кўрсатиб, айтиш мумкинки, қахрамонона меҳнат қилган фермер ва деҳқонларимизга ўз номидан миннатдорчилик изҳор этиб, уларга таҳсин ва тасаннолар билдиришни ҳам қарз, ҳам фарз, деб ҳисоблайман.

Азиз дўстлар, муҳтарам юртдошлар!

Ҳеч кимга сир эмас, юртимиз далаларида етиштирилаётган ҳосилнинг, ҳусусан, пахта хомашёсининг тақдири биринчи навбатда ер унумдорлигига бевосита боғлиқ. Айни вақтда деҳқончиликда ҳар қайси экин майдони, ҳар қандай тупроқ унумдорлигининг ҳам чегараси борлигини унутмаслигимиз керак.

Шу боис барчамизни боқадиган она заминимизнинг келажагини ўйлаб, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича қабул қилган давлат дастури доирасида амалга оширган улкан ишларимиз қишлоқ хўжалигида қандай катта бурилиш ясаганини бугун кўп-кўп мисолларда яққол кўриш мумкин. Ўтган 6 йил давомида мамлакатимиз бўйича 1 триллион 300 миллиард сўм маблағ ҳисобидан 1 миллион 750 минг гектар сугориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Фақатгина кейинги икки йилда пахтачилик бўйича ҳосилдорлик 24 центнердан 26,5 центнерга ошгани ана шундай кенг кўламли ишларимизнинг муҳим натижаси бўлди, десак, янглишмаган бўламиз.

Охири йилларда мамлакатимизда янги ғўза навларини яратиш, селекционер олимларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш,

уларнинг меҳнатини рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар туфайли 100 дан ортиқ янги навлар яратилгани, уларнинг 27 таси давлат реестрига киритилиб, амалда жорий этилаётгани ушбу тармоқнинг изчил ривожланиб бораётганидан далolat беради.

Шу билан бирга, эътироф этишимиз керакки, бугунги кунда Ўзбекистон шароитида ҳар қайси вилоят ва туман учун мос келадиган, серхосил, юқори сифатли тола берадиган, эртаклишар ғўза навларини чиқариш ва районлаштириш энг долзарб, ечимини барча деҳқонларимиз орзиқиб кутаётган муаммо бўлиб қолмоқда. Ана шу муҳим масалани ҳал этиш аввало мутасадди олимлар, селекция соҳасида ишлаётган мутахассисларнинг асосий вазифаси эканини яхши биламиз ва улардан бундай ғўза навларини тезроқ яратишларини кутамиз.

Бу йилги мавсум давомида биз дуч келган мураккаб синов ва қийинчиликларни бартараф этишда интенсив агротехнологиялардан оқилона фойдаланиб, ғўза қатор оралари ҳар йилгидан 4-5 марта кўп, ўртача 12 мартадан зиёд сифатли культивация қилинган, гектарига 5 тоннадан, жами 13 миллион тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит берилгани алоҳида аҳамият касб этди.

Бугун барчамизга аён — биз қўлга киритаётган ютуқ ва марраларнинг асосий гарови ва ҳал қилувчи кучи бўлмиш фермерлик ҳаракатининг олдида турган муаммоларни ечиш, унинг қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш, қишлоқ ҳаётидаги ролини кучайтириш бўйича олиб бораётган ишларимиз аввало бу йилги мавсумини

уюшқоқлик билан ўтказишда, етиштирилган мўл ҳосилни ёғин-сочинли кунларга қолдирмасдан йиғиб-териб олишда мустаҳкам замин туғдирди, десак, ҳар томонлама ўринли бўлади.

Бунинг яққол тасдиғини республикамиз пахта хирмонининг қарийб 90 фоизи юқори сортларга топширилгани ҳам исботлаб беради.

Нафақат қишлоқ хўжалиги, балки иқтисодиётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида эришаётган марраларимиз авваламбор халқимизга хос меҳнатсеварлик, мардлик ва матонат каби фазилатларда, ҳаёт ўзгариши билан одамларимизнинг онгу тафаккури тобора ўзгариб, уларнинг ўз ерига эғалик, масъулият ва дахлдорлик туйғуси, ўз меҳнатидан манфаатдорлик ҳиссиёти ортиб бораётганида намоён бўлмоқда ва халқимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамламоқда.

Мана шу қувончли айёмда ўз шартнома мажбуриятларини биринчилардан бўлиб адо этган Андижон вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Хоразм, Бухоро вилоятлари, барча вилоятларимиз меҳнаткашлар мамлакатимизнинг юксак пахта хирмонига муносиб ҳисса қўшганини миннатдорлик билан таъкидлашни истардим.

Айниқса, Амударё, Эллақалба, Олтинкўл, Пахтаобод, Балиқчи, Пешку, Олот, Муборақ, Яқкабоб, Қизилтепа, Навбахор, Наманган, Нарпай, Қумқўрғон, Бешарик, Кува, Гурлан, Хонқа, Хива туманлари деҳқон ва фермерлари белгиланган режани қисқа фурсатда, 20-25 кунда бажариб, кўпчиликка ўрнатилган намуна бўлгани таҳсинга лойиқдир.

Бухоро туманидаги "Ислом Нарзиобод", Жондор

туманидаги "Жонибек Фарҳод", Арнасой туманидаги "Сангзор", Дўстлик туманидаги "Эшнӣё бобо", Миришкор туманидаги "Кама-лак", Шахрисабз туманидаги "Умида она ўғли", Навбахор туманидаги "Арслон бобо", Кармана туманидаги "Авез бобо", Пахтачи туманидаги "Мирзаев Шухрат", Қумқўрғон туманидаги "Мунчоқтепа истиқболи", Бекобод туманидаги "Комилжон", Ҳазорасп туманидаги "Ғофур Рухия", Хонқа туманидаги "Мадиҳ Хонқа" сингари ҳосилдорликни гектаридан 45-52 центнерга етказиб, юксак натижаларга эришган илғор фермер хўжаликларига самимий ташаккур билдираман.

Шулар қаторида фидокорона меҳнат қилиб, катта ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлган фермер ва деҳқонларимизга, Ватанимизнинг улкан хирмонига муносиб ҳисса қўшган барча-барча инсонларга "Балли сизга, азизларим!" деб, уларни чин қалбдан табриклаш менга катта ҳурсандчилик бағишлайди.

Муҳтарам дўстлар! Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг пахтачилиги соҳасида етакчи мамлакатлардан бири сифатидаги обрўйи ва нуфузи тобора ортиб бораётгани айниқса эътиборлидир.

Яқинда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ўнинчи Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида 50 га яқин давлатдан дунё бозорида ном қозongan 1000 дан зиёд йирик фирма ва компанияларнинг вакиллари иштирок этиб, деҳқонларимизнинг пешона тери билан етиштирилган пахта толасига, авваламбор, унинг юксак сифатига катта қизиқиш билдиргани ҳам шундан далolat беради.

Маълумки, 90-йилларда юртимизда етиштирилган

жами пахта толасининг атиги 7 фоизи ўзимизда қайта ишланган эди. Ўтган қисқа даврда бу борадаги кўрсаткич 6 баробардан зиёд кўпайгани ҳамда бугунги кунда 44 фоизни ташкил этиб, чет мамлакатларга сотилаётган пахта толасига яна қўшимча қиймат қўшишга имконият яратётгани шу йўналишда узоқни қўллаб олиб бораётган ишларимизнинг амалий самарасидир.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, жорий йилда пахтачиликдан олинадиган ялпи даромад ўтган йилга нисбатан 12 фоиз ёки 400 миллиард сўмдан ортиши kutilmoqda. Бу йил пахта хомашёсини юқори сортларга сотишнинг ўзидан фермер хўжаликлари 200 миллиард сўмдан зиёд қўшимча даромад олишга муваффақ бўлишди. Бунинг ҳисобидан биз деҳқон ва фермерларимизнинг, қишлоқ аҳлининг даромадларини оширишга, қўзлаган эзгу марраларимизга етиш, эл-юртимизни янада обод ва фаровон бўлишига эришамиз, иншоолло.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Мана шундай хурсандчилик кунларда барчангизни мамлакатимиз тараққиёти йўлида қўлга киритилган катта меҳнат галабаси билан яна бир бор чин қалбимдан табриқлайман.

Эл-юртимиз, хонадонларимиздан файзу барака, тинчлик-осойишталик ари-масин!

Яратганимизнинг ўзи барчамизга доимо мададкор бўлсин!

Ҳеч қачон кам бўлманг, ҳалол меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, азизларим, қадрдонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон
Республикаси
Президенти

ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Пойтахтимизда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташкил топган кунга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистоннинг тараққиёт этган давлатлар, нуфузли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги изчил ривожланаётгани, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва мавқеи тобора юксалиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Мамлакатимиз БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга оширишда юксак натижаларга эришмоқда. Иқтисодий-ижтимоий соҳаларда ҳаётга татбиқ этилаётган дастурлар мамлакатимизни янада ривожлантириш, аҳоли тур-

муш даражасини юксалтиришда муҳим омил бўлаётди.

Жорий йилда ўзаро муносабатлар янги мазмун билан бойиди. БМТнинг қатор таркибий тузилма-

лари билан ҳамкорликда мамлакатимизда "Ўрта асрлар Шарқ алло-малари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти" ҳамда "Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари" мавзуларидаги халқаро конференциялар, БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси ўтказилди.

— Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистон билан иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби кўплаб соҳаларда самарали ҳамкорлик

қилиб келмоқда, — деди БМТнинг мамлакатимиздаги доимий муовин-факлаштирувчиси, БМТ Тараққиёт дастурининг доимий вакили Стефан Приснер. — Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор ривожланиб, аҳоли турмуш даражаси ошиб бормоқда. БМТ Ўзбекистоннинг барча соҳаларини тараққиёт этириш борасидаги ташаббуслари ва халқаро ҳамкорликни кенгайтириш йўлидаги саъй-ҳаракатларини юксак қадрлайди ва

қўллаб-қувватлайди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Урганч шаҳрида ўтказиладиган "Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш" мавзусидаги халқаро конференцияга алоҳида эътибор қаратмоқда. Мазкур анжуман ушбу минтақадаги экологик аҳволни яхшилаш йўлида муҳим кадам бўлади. БМТ Ўзбекистон билан бу борада кўплаб қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, ўзаро ҳамкорликни янада фаоллаштириш ниятида.

Матбуот анжуманида Ўзбекистон ва БМТ ҳамкорлигида амалга оширилаётган лойиҳалар ҳақида сўз юритилди.

Н.МАНЗУРОВА,
ЎзА мухбири

24-oktabr — BMT tashkil topgan kun

2014-yil 25-oktabr, № 86 (8735)

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКМАНИСТОН:

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Президентларнинг очиклик ва ишонч руҳида ўтган суҳбатида ўзаро ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинар экан, мамлакатларимиз манфаатлари муштараклиги, икки томонда ҳам кўп қиррали муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш учун хоҳиш ва ирода мавжудлиги, давлатларимиз бунинг учун улкан салоҳият ва имкониятларга эга экани таъкидланди.

Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашув давомида муҳокама этилган барча масалалар бўйича томонларнинг қарашлари ва ёндашувлари ўхшаш ёки яқинлиги қайд этилди.

Бу, айниқса, Афғонистон масаласига муносабатда ёрқин намоён бўлади. Ўзбекистон ва Туркменистон Афғонистоннинг яқин қўшилари сифатида темир йўллар ва кўприклар барпо этиш, муҳим инфратузилма объектларини тиклаш, электр энергияси ва бошқа маҳсулотлар етказиб бериш бўйича лойиҳаларни амалга ошириб, бу орқали мазкур мамлакатда тинчлик ва осойишталик ўрнатилишига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Дунёнинг турли минтақаларида вазият шиддат билан ўзгараётган, воқеалар ривож олинган айтиб бўлмайдиган ҳолатга келган, босқинчилик ва зуравонлик кенгайиб бораётган бўлгунги шароитда давлат раҳбарларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, экологик хавфсизликни таъминлаш масалаларидаги ҳамфикрлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов минтақада сув ресурсларидан фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар. Таъкидланганидек, сув энергетика соҳасига доир масалаларни ҳал қилишда, жумладан, трансчегаравий дарёларда йирик гидроэнергетика иншоотларини барпо этишда БМТнинг тегишли конвенцияларида белгилаб берилган халқаро меъёрларга мувофиқ иш тутиш, бундай объектларнинг лойиҳаларини мус-

тақил халқаро экспертизадан ўтказиш зарурлиги қайд этилди.

Президентлар ўзаро ҳамкорлик стратегиясини ривожлантириш, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар юзасидан позиция ва қарашларни ўзаро мувофиқлаштириб бориш мақсадида олий даражадаги учрашувларни мунтазам давом эттиришга келишиб олдилар.

Кенгайтирилган таркибдаги музокарада савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2013 йилда 353,9 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, жорий йилнинг январь-август ойларида 246 миллион долларга етди. Лекин, қайд этилганидек, томонларнинг имкониятлари бу рақамлардан анча юқори.

Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон—Туркменистон ҳукуматлараро комиссияси савдо ҳажмини ошириш, сармоявий ҳамкорликни кенгайтиришнинг янада самарали чора-тадбирлари ва механизмларини ишлаб чиқиш мақсада мувофиқ экани таъкидланди.

Ўзбекистон ва Туркменистоннинг иқтисодий ҳамкорлигида транспорт коммуникациялари муҳим йўналишлардан биридир. Икки мамлакатнинг автомобиль ва темир йўллари яхши интеграциялашган тизим бўлиб, нафақат Ўзбекистон ва Туркменистон, балки учинчи давлатлар учун ҳам қулай транзит мажмуи вазифасини ўтамоқда.

Мамлакатларимиз икки ва кўп томонлама асосда транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорликни фаол ривожлантирмоқда. Хусусан, Президент Ислом Каримов ташаббусининг амалий ифодаси бўлган Ўзбекистон—Туркменистон — Эрон — Ўмон янги халқаро транспорт-коммуникация коридорини барпо этиш бўйича 2011 йили имзоланган битим муҳим геостратегик аҳамиятга эгадир.

Ушбу гоёнинг ҳаётиятдаги этилиши Марказий Осиё давлатларини

Яқин Шарқнинг иқтисодий фаол кўрғазларидаги бандаргоҳлар билан боғлаш имконини беради. Бу келгусида бошқаруш соҳасида, автомобиль, темир йўл ва денгиз транспорти орқали юк ташуш ва транзит қилишда қулайликлар яратилишига йўл очади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, қўшма лойиҳалар сармоявий ҳамкорлик ривожига янги суръат бахш этади.

Экспертларнинг фикрича, лойиҳа ижроси якунига етгач, бошқа мамлакатлар ҳам ундан фойдаланишдан манфаатдорлик билдиради. Бу лойиҳанинг жозибадорлигини янада оширади.

Иқтисодий алоқаларнинг устувор йўналишларидан яна бири энергетика соҳасидир.

Ўзбекистон ва Туркменистонда углеводород ресурсларининг йирик захиралари мавжуд, лекин икки мамлакат ҳам жохон бозорларига тўғридан-тўғри чиқиш йўлига эга эмас. Бундай шароитда ўзаро мувофиқлаштирилган ҳамкорлик яхши самара беради. Бунга муваффақиятли амалга оширилаётган ва мамлакатларимизга табиий газ экспорти йўналишларини диверсификация қилиш имконини берган Туркменистон — Ўзбекистон — Қозоғистон — Хитой трансмиллий газ қувури лойиҳаси яққол тасдиқ бўлади.

Музокарада қўшма корхоналар, миллий фирма ва компаниялар ваколатхоналарининг сонини кўпайтириш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Икки мамлакатнинг салоҳиятини намоён этишга, тадбиркорларнинг бевосита мулоқотлари учун янги имкониятлар очишга хизмат қиладиган миллий кўрғазмаларни ташкил қилиш аъъанасини изчил давом эттиришга келишиб олинди.

Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасида маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Бу борада 2014—2016 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури доирасида икки мамлакатнинг маданият ва санъат намояндалари Ўзбекистон ва Туркменистонда ўтказиладиган турли концертлар, фестивал ва

кўриклар, кўрғазма ва форумларда фаол иштирок этмоқда.

Келишувга биноан бундан буён ҳам иккала мамлакатда ташкил этиладиган маданий тадбирлар ва спорт мусобақалари ҳақида мунтазам равишда маълумот алмашиб борилади ҳамда маданият ва санъат намояндаларининг, спортчиларнинг фаол иштироки таъминланади. Рассомлар асарлари кўрғазмаларини, ҳунармандлик маҳсулотлари ярмаркаларини, musiқа ва театр ҳамоаларининг ижодий сафарларини ташкил этиш давом эттирилади.

Музокарада сайёҳлик соҳасида мамлакатларимиз улкан имкониятларга эга экани таъкидланди. "Буюк ипак йўли" сайёҳлик лойиҳаси доирасида комбинациялашган саёҳатлар ташкил қилиш орқали бу соҳадаги алоқаларни фаоллаштиришга келишиб олинди. Бошқача айтганда, Ўзбекистонга келган сайёҳ Туркменистон, Туркменистонга борган сайёҳ Ўзбекистон орқали қайтиб кетишини йўлга қўйиш мумкин. Шу тариқа миллий авиакомпанияларнинг ҳамкорлигини кенгайтириш учун ҳам яхши замин яратилади.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов Қўшма баёнотни имзоладилар. Икки мамлакат ўртасида замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси воситалари етказиб бериш, ташқи сиёсат маҳкамалари ва савдо-саноат палаталари ўртасидаги муносабатларга, экология соҳасида ҳамкорликка оид ҳужжатлар имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар ушбу ташриф ўзаро ҳурмат, ишонч ва манфаатдорликка асосланган олий даражадаги самарали мулоқотнинг давоми бўлганини, икки томонлама муносабатларнинг долзарб масалаларини муҳокама этиш, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашиш учун қулай фурсат яратганини таъкидладилар. Музокаралар

очиклик, ўзаро англашув ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтгани, имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Туркменистон халқлари манфаатлари йўлидаги серқирра ва дўстона муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилиши қайд этилди.

Саммитнинг асосий воқеалари низоҳасига етгач, давлат мукофотлари билан тақдирлаш маросими бўлди. Икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш ҳамда ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги дўстлик ва маданий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш йўлидаги буюк хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркменистоннинг Махтумқули номидаги халқаро мукофоти билан тақдирланди. Ўзбек ҳамда туркман халқлари ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги катта хизматлари учун Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовга Ўзбекистон Республикасининг "Мустақиллик" ордени топширилди.

Куннинг иккинчи ярмида Президент Ислом Каримов "Halk hakydasy" ("Халқ хотираси") хотира мажмуига ташриф буюрди. Мамлакатимиз раҳбари Иккинчи жаҳон урушида ҳамда Гўктепа жангида (1880—1881) ҳалок бўлганлар, Ашхобод зилзиласи (1948) қурбонлари хотирасига ҳурмат бажо келтириб, ёдгорлик пойига гул қўйди. Ислом Каримов ушбу воқеалар ҳақида ҳикоя қилувчи музей экспонатлари билан танишиб, Фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримовнинг Туркменистонга расмий ташрифи якунига етди. Ашхобод музокаралари ва эришилган келишувлар Ўзбекистон ва Туркменистон ўзаро манфаатли ҳамкорлигини ривожлантириш йўлидан собитлик билан бораётганини яна бир бор тасдиқлади.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА махсус мухбири.
Тошкент — Ашхобод —
Тошкент.

Yangiliklarda yurt nafasi



Сирдарё вилояти Ширин шахридаги 3-болалар мусика ва санъат мактабининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган "Болалар мусика ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009—2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарори асосида барпо этилган мазкур таълим маскани 150 ўқувчига мўлжалланган.

Замонавий архитектура талаблари асосида қурилган санъат даргоҳи миллий ва классик мусика асбоблари, компьютерлар, машғулотлар учун зарур жиҳозлар билан таъминланди. Синф-хоналар деворларига дунё стандартларига мос овозюттич қатлам ўрнатилгани тавсу сифатини ошириб, шовкинчи акс-садо пайдо бўлишининг олдини олади.

Ўқувчилар анъанавий ижрочилик, эстрада хонандалиги, ўзбек халқ чолгулари, зарбали ва дамли чолгулар, хор ижрочилиги, хореография, тасвирий санъат йўналишлари бўйича малакали мураббийлардан сабоқ олишмоқда.

— Шу пайтга қадар машғулотлар мослаштирилган бинода олиб борилад экан, — дейди мактаб директори Абдулхай Эргашев. — Энди ўқувчиларнинг ўз истеъдод ва салоҳиятини тўла юзга чиқариши учун замонавий шaroit яратилганидан ота-оналар ҳам, ёшлар ҳам беҳад мамнун.

Бухоро давлат университети қошидаги академик лицейда Президентимиз Ислам Каримовнинг жорий йил 6 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қaratилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида адабий-баддий анжуман ўтказилди.

Бухоро вилояти ҳокимлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда кенг жамоатчилик вакиллари, ёш қаламкашлар ва журналистлар иштирок этди.

Президентимиз раҳнамоллигида ёш авлод, хусусан, ижодкор ва истеъдодли ўғил-қизлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, ўтказилаётган турли ижодий тадбирлар уларнинг билим ва маҳоратини янада оширишга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Анжуман доирасида вилоятдаги таниқли ижодкорлар, адабиётшунос олимлар иштирокида семинар ташкил этилди. Қатнашчилар учун маҳорат дарсига айланган семинарда ёш қаламкашларнинг асарлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида "Давлат тили ҳақида"ги қонун қабул қилинганнинг 25 йиллигига бағишланган "Тил — миллиятнинг гавҳари" деб номланган адабий анжуман ва мушоира бўлиб ўтди.

Унда ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимлар, маънавият тарғиботчилари, ўқитувчилар, талаба-ёшлар қатнашди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ёшларнинг она тилимизга, миллий адабиётимизга меҳрини тобора қуяйтириш мақсадида Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда «Она тили ва адабиёти» фан ойликлари, китобхонлик ҳафталикларини мунтазам ўтказиб келмоқда. Айни пайтда мактаблар, коллеж ва лицейлар, ахборот-ресурс марказларида ёзувчи ва шоирлар, тилшунос олимлар билан ташкил этилаётган учрашувлар, адабий мулоқотлар ўқувчи-ёшларнинг давлат тилига ҳурмат билан муносабатда бўлишига, уларнинг билим ва маънавиятини янада бойитишга хизмат қилмоқда.

Анжуман доирасида бўлиб ўтган мушоирада талаба-ёшлар миллий адабиётимиз, она тилимиз равақига бекиёс ҳисса қўшган мутафаккир шоирларимизнинг ижодидан намуналар ўқиди.

Термиз шахрида "Ораста қизлар" кўрик-танловининг Сурхондарё вилояти босқичи бўлиб ўтди.

"Соғлом бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида ўтказилган танлов Ўзбекистон Республикасида Хотин-қизлар қўмитаси ва Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилди. Танлов мезонларига кўра, иштирокчилар Президентимизнинг "Юсак маънавият — енгилмас куч" асари бўйича ўз билим ва маҳоратини синодан ўтказди.

— Мазкур асарнинг танлов шартларида киритилишида чуқур маъно муҳасамас, — дейди Сурхондарё вилояти ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси М.Қобулова. — Дунёда глобаллашув жараёнлари шиддат билан кечаётган бизнинг давримизда ушбу китоб ёш авлоднинг маънавиятини юксалтириб, уларни Ватанга муҳаббат, юртга садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида ўлғайтиришга хизмат қилади. "Оммавий маданият"нинг миллий урф-одатларимизга зид эканлигини чуқур англаб олишга кўмаклашади.

Денов туманининг "Барчино", Сарийосиё туманининг "Ойтумор", Шеробод туманининг "Нафосат" жамоалари биринчи ўринни эгаллади. Жарқўргонликлар иккинчи, Термиз шахри жамоаси учинчи ўринга сазовор бўлди. Ғолиб жамоаларнинг энг орас-та, билимли қизлари танловнинг мамлакат босқичида иштирок этади.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.

Аждодларга муносиб авлодлар беллашуви

Юртбошимизнинг шу йил 15-16 май кунлари Самарқанд шахрида бўлиб ўтган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро илмий конференцияда сўзлаган маърузасининг мазмун-моҳияти умумтаълим муассасаларида кенг ўрганилмоқда.

Бу борадаги ишлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси томонидан пойтахтимиздаги умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари ўртасида «Биз — буюк аждодларнинг издошларимиз» мавзусида кўрик-танлов ўтказилди.

Куни кеча Олмазор туманидаги 243-умумтаълим мактабида кўрик-танловнинг якуний

босқичи бўлиб ўтди. Ўқувчиларнинг чиқишлари Республика таълим маркази мутахассислари, ЎЗМУ, ТДПУ профессор-ўқитувчилари, «Қамолот» ЁИХ вакиллари томонидан баҳолаб борилди.

— Иштирокчилар учта шарт бўйича билимларини намойиш этишди, — дейди Олмазор тумани ХТМФМТТЭ бўлимининг она тили ва адабиёт фани методисти Марямжон Матёқубова. — Ўқувчиларни баҳолашда

алломаларимизнинг ҳаёти ва ижодидан нечоғлиқ хабардорлиги, сўзларни ўз ўрнида ишлатиши, мантиқий саволларга жавоби, ғазалларни моҳирона ёд айтиши эътиборга олинди.

Яқунда ғолиблар икки йўналишда аниқланди. Жумладан, «Назарий билимлар билимдони» йўналиши бўйича Олмазор туманидаги 298- Бектемир туманидаги 292- Учтепа туманидаги 295- «Ижодкорлар» йўналишида Юнусобод туманидаги 265- Сергели туманидаги 301- Яшнобод туманидаги 69-ханда Шайхонтоҳур туманидаги 59-мактаб ўқувчилари ғолибликни қўлга киритди.

Махбуба КАРИМОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Муҳим мавзуда видеомулоқот

Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ислохотларига давлат сиёсати даражасида эътибор берилмаётган. Президентимизнинг шу йил 1 августдаги қарори билан тасдиқланган «2014—2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсимлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги давлат дастури» ижрога йўналтирилди. Бунга кўра, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ушбу йўналишдаги қўшма дастури қабул қилинди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг мажлислар залида Ўзбекистон Хотин-қизлар

қўмитаси ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлигида ушбу масалага бағишланган видеомулоқот ўтказилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлардаги мутаассадилар, жамоат ташкилотлари ва давлат идоралари вакиллари билан бирга соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари муҳокама этилди. Самарқанд, Хоразм ва Тошкент вилоятларида ҳамкорликнинг етарлича йўлга қўйилгани таниқ қилинди.

Тадбирда Бош вазир ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситқанова иштирок этди.

Назokat ХОЛМЕТОВА,
«Ma'rifat» мухбири

«Мустақиллик — менинг тақдиримда»

Тошкент шаҳар «Баркамол авлод» марказида «Мустақиллик — менинг тақдиримда» болалар фестивалининг шаҳар босқичи ўтказилди.

Фестивалда ўқувчилар техник ижодкорлик, ўлкашунослик ва экология ҳамда бадий ижодиёт йўналишларида «Робототехника ва электрон ўйинчоқлар», «Ёш ўлкашунос», «Ёш мусавир» номинациялари бўйича ўзаро беллашди. Тўғрақ аъзоларини Ўзбекистон бадий

академияси, республика рассомлик коллежи, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти етакчи мутахассислари баҳолаб борди.

— Болалигимдан расм чизишга қизиқаман, — дейди фестивалнинг «Ёш мусавир» йўналиши ғолиби Жанона Ҳабибул-

лаева. — Фестиваль учун юртимизнинг гўзал ва буюк тарихий табиат манзаралари, пойтахтимиздаги ўхшаши йўқ меъморий обидалар, ёдрорлик мажмуалари акс эттирилган туркум расмлари тайёрладим.

Ғолиблар эсдалик совғалари билан тақдирланиб, 27-28 ноябрь кунлари бўлиб ўтаётган республика босқичига йўланма олди.

Ҳасан МҲМИНОВ

Ҳар ойда битта китоб

Термиз шахридаги 11-умумтаълим мактабида «Китобим — офтобим» мавзусида беллашув бўлиб ўтди.

5-«Г» ва 5-«Д» синф ўқувчилари «Китоб ҳақида таништирув», «Ифодали ўқиш», «Мақоллар олами гулдастаси», «Китоб — билим таянчи» йўналишларида ўзаро беллашди.

Танловда томошабинлар билан асар қаҳрамонлари ҳақида суҳбат уюштирилди. Бадий асарлардан олинган парчаларни таъсирчан

оҳангда, бурро-бурро сўзлаётган ўқувчиларнинг зийраклигидан меҳмонлар ҳам завқланганини

— Қизимнинг китобга меҳри бўлакча эканини билардим, — дейди Нодира Жуманиёзова. — Қизимга ҳар ойда биттадан китоб олиб бериб, уйимизда кутубхона ташкил қилишни дилимга тутдим.

Тадбир барчада илиқ таассурот қолдирди.

Дилбар НОРМУРDOВА,
Термиз шахридаги
11-мактаб ўқитувчиси

Амалий тавсиялар

Ўқувчиларга касб танлашда кўмак бўлмоқда

Учтепа туманидаги 203-мактабда «9-синф битирувчиларига амалий тавсия» мавзусида маънавий-маърифий кеча ўтказилди. Тадбирда ҳудуддаги академик лицей ва касб-хунар коллежлари вакиллари, маҳалла фаоллари, синф раҳбарлари, 9-синф битирувчилари ҳамда ота-оналар иштирок этди.

— Жорий ўқув йилида муассасамизда 214 нафар ўқувчи 9-синфини тамомлайди, — дейди мактаб директори Озода Эгамбердиева. — Улар ҳозирда келажакда қайси соҳани танлаш

бўйича бир қарорга келиб, аниқ мақсад сари интиломоқда. Ўтказилган таълимий тестлар ўғил-қизларнинг касбга қизиқишини аниқлашда кўмак бўлмоқда.

Ўрта махсус, касб-хунар таъ-

лими муассасалари вакиллари билан суҳбатда ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди. Тадбир сўнггида ота-оналар, маҳалла фаоллари ўз ҳаётий тажрибалари асосида битирувчиларга тавсиялар беришди.

Аскар НИЗОМОВ,
мактаб директорининг
маънавий-маърифий
ишлар бўйича
ўринбосари

«Олов билан ўйнашганлар»

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида «Олов билан ўйнашганлар» ҳужжатли фильми намойиш этилди.

Олий таълим муассасаси жамоаси, университет қошидаги аниқ фанларга ихтисослаштирилган мактаб, Чилонзор иқтисодиёт академик лицейи, «Қамолот» ЁИХ ва хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилотлари аъзолари

ҳужжатли фильмдаги воқеа-ходисаларни муҳокама қилишди.

Тинчлик — олий неъмат. Мамлакатимизда барқарор тинчликни таъминлаш, аввало, халқимиздаги огоҳлик, бирдамлик, ғуфқарларнинг ўзаро меҳр-оқибатли бўлишига боғлиқ. Ана шу ғоянинг ёшлар онгига сингдирилиши муҳим.

Ҳайитмирза АЛИЖОНОВ,
«Қамолот» ЁИХ фаоли

2014-yil 25-oktabr, № 86 (8735)

ДЕПУТАТЛАР 2015 ЙИЛДА ИШ ЎРИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ ДАСТУРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда.)

2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури туман ва шаҳарлар халқ депутатлари Кенгашларининг депутатлари, барча даражалардаги ҳокимликлар, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, тадбиркорлик субъектларининг бевосита иштирокида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилганлиги қайд этилди. Дастурнинг мақсади — демографик омилларни ҳамда иқтисодийётдаги тузилмавий ўзгаришларни инобатга олган ҳолда ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларининг салоҳиятини ишга солиш, бандлик ва тадбиркорликнинг самарали шакллари ривожлантиришга ҳар томонлама қўмаклашиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича комплекс ва ўзаро боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширишдан иборатдир.

Мажлисда таъкидландики, 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг прогноз кўрсаткичлари ҳудудларни, хизматлар ва сервис соҳасини ижтимоий-иқтисодий ва индустриал ривожлантириш, қишлоқ жойларда яқка тартибдаги ўй-жойларни қуриш ва пудрат қурилиш ишларини амалга ошириш, кўп тармоқли фермер ҳўжаликлари янада ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни модернизация қилиш дастуриларининг рўёбга чиқарилишини инобатга олган ҳолда, бандлик ҳудудий тузилмасининг даражасини ошириш ва тақомиллаштиришга, меҳнат бозориди иш кучига бўлган талаб ва тақлифнинг мувозанатлигини таъминлашга қаратилган. Дастур доирасида келгуси йилда ҳудудлар ва йўналишлар бўйича 261,6 мингта иш ўрни ташкил этиш ва 725,9 минг кишининг бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари қўйлади. Умуман олганда, дастурнинг бажарилиши 987,5 минг нафар кишининг ишга жойлаштирилишига қўмаклашади. Бунда таълим муассасаларининг битирувчиларини, аёллар, ногиронлар ва аҳолининг ижтимоий қўмакка муҳтож бошқа тоифаларини ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Дастур ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгиллаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ишга жойлаштириш, касбга қайта тайёрлаш ва ижтимоий ҳимоя қилишга доир фаол ҳамда аниқ мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича тармоқ дастурларини инобатга олган ҳолда келишлар, туманлар ва шаҳарлар кесимида ишлаб чиқилди. Дастурда назарда тутилган чора-тадбирлар "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги қонуннинг талабларига ва ушбу соҳадаги халқаро стандартларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

Депутатлар иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг энг муҳим устуворликларидан бири, халқнинг турмуш даражаси ва сифатини оширишнинг муҳим шарти эканлигини таъкидладилар. Дастур янги объекتلари ишга тушириш, амалдаги ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, қайта жиҳозлаш ва улардан тўлароқ фойдаланиш, саноатда, қурилишда, хизматлар ва сервис соҳасида кичик бизнесни

жадал ривожлантириш, инфратузилмавий, коммуникацион ва ўй-жой қурилиш қўламларини кенгайтириш, касаначилик имкониятларини ривожлантириш, бекор турган корхоналарни тиклаш ҳисобига зарур миқдорда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган.

Депутатлар Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури кейинги олти йил давомида мамлакатимиз парламенти томонидан тасдиқланаётганлигини алоҳида қайд этидилар. Қонунчилик палатаси қўмиталари дастурнинг ижросини алоҳида назорат остига олган. Бунинг натижасида дастур барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг, экспертлар, турли соҳа мутахассисларининг тақлиф ва фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда йилдан-йилга тақомиллашиб бормоқда. Шу сабабли, дастур аҳолининг турли қатламлари ва кенг жамоатчилик доирасининг манфаатлари акс этган ноб ҳужжатдир.

Дастур лойиҳасини ҳар томонлама муҳокама этиш доирасида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан сайланган депутатлар партиянинг сайловолди дастурида, энг аввало, қишлоқ ёшларини ва аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш орқали бандлик масалаларини ҳал қилишга қўмаклашиш муҳимлиги кўрсатиб ўтилганлигини қайд этидилар. Фракциянинг фикрича, мазкур ёндашув тадбиркорлик соҳасида янги иш ўринларининг ташкил этилиши имкон қадар қўлай тадбиркорлик муҳитининг мавжудлиги билан бевосита боғлиқлигига асосланади. Фракция ушбу ҳолатни инобатга олган ҳолда, шунингдек, ўз электоратининг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда дастурни қўриб қиқшида айнан шу йўналишга алоҳида эътибор қаратди.

Фракция аъзолари меҳнат бозорини янада ривожлантиришнинг самарали омиллари сифатида бандлигининг турли шакллари, айниқса, кичик бизнесни, касаначилик ва оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш дастурининг асосий вазифаларидан бири эканлигини таъкидладилар. Имкон қадар қўлай ишчанлик муҳитини яратиш, тадбиркорларнинг кредит ва моддий хомашё ресурсларидан фойдаланишини кенгайтириш юзасидан қабул қилинган қонун ҳужжатларига, истеъмол товарлари бозориди талабга эга ишлаб чиқаришларни рағбатлантириш дастурларига мувофиқ иш ўринларини ташкил этишда кичик бизнеснинг ролини янада ошириш, ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш орқали қўйилган вазифани ҳал этиш назарда тутилмоқда.

Қишлоқда, айниқса, тайёр қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва ишлаб чиқаришга иқтисослашган тадбиркорлик субъектларининг ривожлантирилиши ва кенгайтирилиши **кейинги йилда 127,5 мингдан зиёд кишини иш билан банд қилиш имконини бериши** таъкидланди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари касб-хўнар коллежларининг битирувчиларини ишга жойлаштиришга, уларни олган иқтисослиги бўйича иш ўринлари билан таъминлашга урғу бердилар. Шу муносабат билан **бўш турган ва захираланган иш ўринлари ҳисобига касб-хўнар коллежларининг 487,7 мингдан зиёд битирувчисини ишга жойлаштириш** дастурининг муҳим йўналиши эканлиги қайд этилди.

Мажлис чоғида бандлик ва халқ фаровонлигини ошириш масалаларининг ҳал этилиши учун маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг жавобгарлигини ошириш зарурлиги айтиб ўтилди. Ўзбекистон ХДП фракциясининг тақлифига кўра, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, уларнинг ишчи комиссиялари томонидан бандлик ҳудудий дастурлари бажарилишининг бориши мунтазам равишда, ҳар ойда, тасдиқланган манзилли рўйхатлар ва тармоқ жадаллари асосида қўриб чиқилади ва тегишли чора-тадбирлар қўйлади.

Ишсизларнинг, шу жумладан, меҳнат мигрантларининг бандлигини таъминлаш, шунингдек, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, мустақил тарзда ишга жойлашиш учун иш жойини танлашга доир бепул маслаҳатлар бериш ҳам назарда тутилмоқда.

Фракция аъзоларининг фикрича, бу дастур бажарилишининг боришини реал вақт режимида мониторинг қилиш самарадорлигини ошириш ҳамда тасдиқланган мезонлардан ортда қолаётган корхоналар, тармоқлар ва ҳудудларни аниқлаш, дастурнинг сўзсиз бажарилишига қаратилган қўшимча чора-тадбирларни қўриш имконини беради.

Ўзбекистон "Миллий тиклашни" демократик партиясининг вакиллари улар ўз амалий фаолиятларида ҳуқуқий ва иқтисодий воситаларни янада тақомиллаштириш, шунингдек, тадбиркорлиқнинг аънавий маданиятини тиклаш орқали бизнесга қўмаклашишга, ички истеъмол ва экспортнинг ошишини таъминлашга, хўнарамандчилик, сервис ва туризмни ривожлантиришга, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга интилишларини таъкидладилар. Уларнинг фикрича, асосан миллий хўнарамандчиликнинг аънавий марказлари бўлмиш минтақаларда касаначилик иш ўринларини ташкил этиш назарда тутилмоқда. Шу билан бирга, қонун ҳужжатларида оилавий тадбиркорлик субъектлари учун назарда тутилган имтиёзлар, преференциялар ва кафолатлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга доир ишларни давом эттириш зарур.

Оилавий тадбиркорлик шароитида иш қуни вақтини тузиб қиқшида ҳам, меҳнатни тақсимлашда ҳам фаолиятини ташкил этишининг бошқа шаклида имкони бўлмаган оқилона қўлайлик имконияти мавжуд, бу эса ёш болали аёллар ва меҳнат бозориди рақобатлаша олмайдиغان бошқа тоифадаги шахсларни ишлаб чиқаришга қисман жалб этиш имконини беради.

Бундай диққат-эътибор туризмни янада ривожлантиришни ҳам талаб қилади. Фракция аъзоларининг ишончи қомилки, ушбу соҳада қўллаб-қўйилган имкониятлар

мавжуд. Фракция аъзоларининг фикрича, ушбу соҳани ривожлантириш ҳисобига мазкур тармоқда иш билан банд бўлганларнинг сонини ошириш ва аҳоли даромадларини юксалтириш имконини беради.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракциясининг аъзолари иш ўринларига катта эҳтиёж сезилаётган минтақаларда иш ўринларини қўпайтиришга, шунингдек, ташкил этилаётган иш ўринларига, энг аввало, қишлоқ жойлардаги аёлларни, олий ўқув юртли ва касб-хўнар коллежлари битирувчиларини жойлаштириш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратдилар. Фракция вакилларининг ишончи қомилки, инновацион технологиялар соҳасини ривожлантириш, касбга қайта йўналтириш ҳисобига ёшларни ишга жалб қилиш, шунингдек, ўз тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва юритиш учун уларга тижорат банклари томонидан имтиёзли микрокредитлар ажратиш амалиётини давом эттириш муҳим йўналишлардан биридир.

Депутатлар иш ўринларини ташкил этишда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, амалдаги корхоналарни технологик жиҳатдан янгиллашда юқори технологияларни жорий этиш масалаларига эътибор қаратиш, ишлаб чиқариш корхоналарида ҳам, хизматлар соҳасида ҳам инновацион технологиялардан кенгрок фойдаланиш муҳимлигини таъкидладилар.

Бўш иш ўринлари ярмакалари бандликка қўмаклашишининг самарали усулидир. Ушбу ярмакаларнинг мақсади иш излаётган фуқароларни тақлиф этилаётган бўш иш ўринлари билан таништиришдан, шунингдек, уларга меҳнат бозори, ҳодимларга эҳтиёж сезаётган корхоналар, мавжуд бўш иш ўринлари асосида ишга жойлашиш, қайта таълим олиш имкониятларини тўғрисида энг тўлиқ ахборот тақдим этишдан иборатдир.

Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар дастурда мамлакатимизда кўплаб турдаги экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқаришга иқтисослашган йирик корхоналарни ҳам, хусусий сектордаги корхоналарни ҳам ривожлантириш ҳисобига иш ўринларини ташкил этиш назарда тутилганлиги муҳим эканлигини таъкидладилар. Шунингдек, хизматлар соҳасида янгидан ташкил этилаётган иш ўринлари асосида бандлик масалаларини ҳал қилиш эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, аҳоли пунктларини ободонлаштиришга доир ишларни кенгайтириш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар самарасини янада юксалтириш муҳимлиги ҳам қайд этилди. Уларнинг фикрича, ушбу нуқтаи назардан табиатни ифлослантиришни истисно этадиган технологиялардан янада тўлиқроқ фойдаланиш ва уларни жорий этиш масаласини ҳам қўриб қиқш зарур бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФАН ВА ТЕХНИКА, АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ КЕНГАШИДАН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари кенгаши 2015 йилда бериладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотларига тавсияномаларни тақдим этиш муддати 2014 йилнинг 25 октябридан 2015 йилнинг 25 январигача белгиланганлигини маълум қилади.

Фан ва техника соҳасида
Давлат мукофотида куйидаги талабларга жавоб берадиган ишлар қабул қилинади:

— республика фанини ривожлантиришга улкан ҳисса бўлиб қўшилган ва халқаро миқёсда эътироф этилган фундаментал тадқиқотлар, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ривожланишига кучли таъсир қилган кашфиёт, ихтиро ва илмий ишланмалар, жаҳон миқёсидаги энг илгор стандартларга мос бўлган ва амалиётга катта самара билан жорий этилган янги техника ва технологиялар (биринчи даражали мукофот учун);

— республика фанининг муайян тармоқларини ривожлантиришга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилган ва хорижий мамлакатларда эътироф этилган фундаментал тадқиқотлар, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатган ихтиролар, илмий ишланмалар, таълим муассасалари учун дарсликлар, илгор стандартларга мос бўлган ва ишлаб чиқаришга самарали жорий қилинган янги технологиялар (иккинчи даражали мукофот учун).

Адабиёт соҳасида Давлат мукофотида куйидаги талабларга жавоб берадиган ишлар қабул қилинади:

— ўзбек адабиётини ривожлантиришга улкан ҳисса бўлиб қўшилган, кенг маданий жамоатчилик томонидан эътироф этилган, халқаро миқёсда миллий адабиётимизнинг обрў-эътиборини кўтаришга хизмат қилган юксак бадиий савиядаги шеър, насрий ва драматик асарлар, ўзбек адабиёти энг нодир асарларининг хорижий тилларга таржималари ҳамда адабиётшунослик йўналишидаги фундаментал тадқиқотлар (биринчи даражали мукофот учун);

— замонавий ўзбек адабиёти ривожига муносиб ўрин эгаллаган юксак савиядаги бадиий ва публицистик асарлар, жаҳон адабиётининг миллий маънавиятимизни бойитишга хизмат қиладиган етук асарларининг ўзбек тилига таржималари, адабиётшунослик соҳасидаги тадқиқотлар ҳамда адабиёт дарсликлари (иккинчи даражали мукофот учун).

Санъат ва меъморчилик соҳасида Давлат мукофотида куйидаги талабларга жавоб берадиган ишлар қабул қилинади:

— республикада маданият, санъат ва меъморчиликни ривожлан-

тиришга беқиёс ҳисса бўлиб қўшилган, кенг жамоатчилик томонидан ҳамда халқаро миқёсда эътироф этилган, энг юксак бадиий савиядаги санъат ва меъморчилик асарлари (биринчи даражали мукофот учун);

— республикада маданият ва меъморчиликни ривожлантиришга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилган, кенг жамоатчилик ва ижодкорлар томонидан эътироф этилган, юксак бадиий савиядаги санъат ва меъморчилик асарлари (иккинчи даражали мукофот учун).

Давлат мукофоти шахсий характерга эга ва қоидага кўра, битта шахсга берилди. Давлат мукофоти тавсия этилган ишда бир неча шахснинг ҳиссаси ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган тақдирдагина Давлат мукофоти муаллифлар жамоасига берилиши мумкин. Муаллифлар жамоаси беш кишидан ошмаслиги керак.

Бир неча шахслар томонидан бажарилган ишларни мукофотга тақдим этишда даъвогарлар жамоасига фақат ишни бажаришда бевосита ижодий иштироки энг юксак даражада ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган асосий муаллифларгина киритилади. Муаллифлар жамоаси таркибига маслаҳатчилик, маъмурий ва ташкилий ишларни бажарган шахсларни киритишга йўл қўйилмайди.

Муаллифлар жамоаси таркибига вафот этган, лекин ишни бажарилишида қўшган ҳиссаси аҳамиятга эга бўлган шахслар ҳам киритилиши мумкин.

Давлат мукофотида ҳукуматнинг бошқа мукофоти билан илгари тақдирланган муаллифлар ҳам истисно тариқасида тавсия этилиши мумкин.

Фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотида кўрсатилётган илмий тадқиқотлар, адабий ва бадиий асарлар матбуотда эълон қилинган, техника ва технологиялар бўйича бажарилган ишлар ишлаб чиқаришга жорий этилган бўлиши керак.

Музыка, театр, кино, тасвирий ва бошқа хил санъат асарлари, концертлар, кўргазмалар, театрлар, радио ва телевидение орқали эълон қилинган, кенг жамоатчиликка таништирилгандан кейин, меъморчилик асарлари бўйича объектлар эса фойдаланишга топширилгандан сўнг бир йил ўтгач, тавсия этилиши мумкин.

Фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотида тақдим этиладиган ҳар бир ишга тавсия этувчи ташкилот томонидан тавсиянома хати ёзилади

ва унда куйидагилар кўрсатилади:

— муаллиф (муаллифлар жамоаси учун — ҳар бир муаллиф)нинг фамилияси, исми ва отасининг исми (паспорт бўйича), туғилган йили ва жойи, яшаш манзили, ишлаш жойи ёки фаолият тури, илмий даражаси ва унвони (муаллифларнинг фамилиялари алифбо тартибда кўрсатилади);

— ишнинг номи;

— ишнинг тақдим этилишини асословчи натижалар, техник-иқтисодий кўрсаткичлар ва маънавий-маърифий аҳамияти, амалга оширилиш кўлами;

— унинг тугалланган, нашр қилинган, қурилган, жамоатчиликка кўрсатилган ва ишлаб чиқаришга жорий этилган вақти.

Тавсиянома хати тақдим этаётган ташкилотнинг раҳбари томонидан имзоланган бўлиши керак. Раҳбарнинг ўзи мукофотга даъвогарлар таркибига кирган ҳолатдагина хатни раҳбарнинг ўринбосари имзолайди.

Тавсиянома хатида куйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

— ишни тақдим этиш ҳақида, унинг номи, мукофотга даъвогарларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилган ҳолда муассаса илмий ёки илмий-техника кенгаши мажлисининг, вазирлик ҳайъатининг ва бошқа тегишли мажлислар баённомасидан кўчирма;

— ишнинг қаерда амалга оширилгани, вақти, салмоғи ҳамда унинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари, маънавий-маърифий жиҳатдан тавсифи қайд этилган ҳолда қисқача мазмун (ҳажми 10 сифадан ошмаслиги, муаллиф ёки муаллифлар томонидан имзоланиши керак).

Агар мукофотга тавсия этилган тадқиқот иши буюртмага кўра бажарилган бўлса, буюртмачи ташкилот бўйсунадиган вазирлик ёки идора раҳбарияти розилигини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам илова қилиниши лозим;

— муаллифлар жамоаси томонидан бажарилган ишлар учун ҳар бир муаллифнинг ишга қўшган ижодий ҳиссаси аниқ кўрсатилган, ҳар бир муаллиф томонидан имзоланган ва нотариал тасдиқланган далолатнома;

— ҳар бир муаллиф учун 4х6 см. ўлчамли рангли фотосурат ёпиштирилган ходимларни ҳисобга олиш варақаси ҳамда маълумотнома (электрон варианты билан);

— қўшимча 4 дона 4х6 см. ўлчамли фотосурат ва паспорт нусхаси;

— илмий ишлар, адабий ва драматик асарлар, таржималар, дарс-

ликларнинг нашрлари, машина ва механизмлар, янги материаллар, конструкциялар тавсифлари, ишлаб чиқаришга жорий этилган ишларнинг далолатномалари, қурилган иморатлар ва ихтироларнинг баёнлари, қўшимча чизма, схема, харита, фотоальбом ва макетлар, санъат асарларининг ёзма, овозли ёки видео ёзув, тасвир, ҳажмли-фазовий ва бошқа шаклларда чоп этилган нусхалари.

Эслатма: таълим муассасалари учун дарсликлар бўйича тегишли вазирлик ва идораларнинг хулосалари илова қилинади.

Мукофотга тавсия этилган иш ва унга оид ҳужжатлар уч нусхада топширилиши керак.

Тақдим этиладиган ҳужжатлар нусхаларининг ҳар бир йиғмаси алоҳида жилдга солинади. Чоп этилган илмий, адабий, бадиий асарлар ёки алоҳида муқоваланган ишнинг баёнидан бир нусхадан ҳам жилдга солинади. Жилд устига ишни тақдим этувчи муассаса номи, ишнинг номи ва муаллиф (лар) фамилияси, исми ва отасининг исми тўлиқ ёзилади.

Фан ва техника соҳасида Давлат мукофотларига тавсияномалар Кенгашнинг ишчи органи — Фанлар академияси томонидан, Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Давлат мукофотларига тавсияномалар Кенгашнинг ишчи органи — Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотида тақдим этиладиган ишларга қўйиладиган талаблар билан танишиш ва лозим бўлган ҳужжатларни тайёрлаш билан боғлиқ масалалар бўйича куйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Фан ва техника соҳасида Давлат мукофоти бўйича:

100047, Тошкент шаҳри, Яхё Фуломов кўчаси, 70-уй, 322-хона.

Тел.: (0-371) 233-59-46.

Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофоти бўйича:

100129, Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 30-уй, 308-хона.

Тел.: (0-371) 239-49-57, 244-13-90.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари кенгаши.

2014-yil 25-oktabr, № 86 (8735)

КОНСТИТУЦИЯ ҚАНДАЙ ЎРГАНИЛМОҚДА?

Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида таълим-тарбия тизимида амалга оширилаётган кенг қўлмалли ислохотлар жараёнида ҳуқуқий таълимни янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ёш авлоднинг ҳуқуқий билим ва саводхонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2001 йил 4 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги фармойиши бу борадаги ишларни янги сифат bosқичига кўтарди. Бугунги кунда мазкур ҳужжат асосида Асосий қонунимизда белгиланган тушунча ва таъминлар мамлакатимиздаги мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб барча ўқув масканларида кенг ўрганилмоқда.

— Конституцияимизнинг мазмун-моҳияти мактабгача таълим муассасаларида кичкинтойларнинг ёши, дунёқарashi, психофизик хусусиятларини инобатга олган ҳолда, асосан ўйланган воситасида ўрганилаётган бўлса, умумтаълим мактабларининг 1—4-синфларида "Конституция алифбоси", 5—7-синфларида "Конституция оламига саёҳат" дарслари, 8-синфда "Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқ асослари" ва 9-синфда "Конституциявий ҳуқуқ асослари" фанлари орқали ўқитилмоқда, — дейди Республика таълим марказининг бўлим мудир Наргиза Исмаилова. — Бунда илгор педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари, ўқитишнинг самарали усулларидан кенг фойдаланилаётгани Бош қомусимизнинг ҳаётбахш аҳамиятини ёш авлод онига чуқур сингдиришга хизмат қилаётган.

Умумтаълим мактабларида Конституцияимизни ўрганишни ташкил этиш йилдан йилга такомиллаштирилмоқда. Ҳуқуқий таълим-тарбияни сифатли амалга ошириш мақсадида ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ва Республика таълим маркази мутахассислари томонидан 22 номдаги ўқув-услубий қўлланмалар яратилди. Ушбу адабиётлар билан бирга "Конституция алифбоси", "Конституция оламига саёҳат", "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси" каби изоҳли лугатлар, "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси" плакатлар тўплами мактабларга етказилди. 8—9-синфлар учун Бош қомусимизни кенг ўрганишга доир қатор электрон дарсликлар таълим масканларининг ахборот-ресурс марказларига жойланган.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан таълим даргоҳларида Асосий қонунимизни ўрганиш самардорлигини ошириш юзасидан турли кўрик-танловлар, учрашувлар, давра суҳбатлари мунтазам ташкил этилмоқда. Жумладан, ҳар йили 10 ноябрдан 10 декабргача "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — инсон ҳуқуқлари-

нинг кафолати" ойлиги, 1 январдан 1 февралгача "Давлат ва ҳуқуқ асослари" фани ойлигини ўтказиш аънаёнага айланган. Умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида "Конституция — бахтимиз пойдевори" кўрик-танлови мунтазам уюштирилаётгани ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларнинг Конституцияимизда белгиланган ҳуқуқ ва бурчларига доир билимини бойитишда муҳим омил бўлмоқда.

Мамлакатимизда барча соҳада қўлга киритилаётган ютуқ ва марралар, навқирон авлод камолоти йўлидаги чексиз меҳр ва эътибор замирида Асосий қонунимизда белгиланган ҳуқуқ ҳамда кафолатларнинг ҳаётимиздаги ифодаси мужассам. Пойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги 69-умумтаълим мактабида ҳам Конституцияимиз барча эзгу орзу-умидларимизни рўёбга чиқаришнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори экани ўқувчилар онга ва қалбига дарсликлардан ташқари ҳужжатли фильмлар, тарихий манбалар, адабиётлар ёрдамида чуқур сингдирилмоқда.

Мактаб директори Раҳима Бобожонованинг таъкидлашича, болаларнинг ҳуқуқий билимини бойитиш ўқув предметлари билан бирга, фанлар таркибига интеграциялаштирилган ҳолда амалга оширилаётган. Масалан, фуқароларнинг давлат ва жамият олдидаги бурчи, масъулияти, ижодий-интеллектуал имкониятларини юзга чиқаришга оид ҳуқуқий кафолатлар "Миллий истиқлол гоҳиси ва маънавият асослари" фани орқали, тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга оид тушунчалар "Иқтисодий билим асослари", ёшларнинг оила ва жамият олдидаги масъулиятини кучайтириш, тиббий маданиятини ошириш, атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга оид ҳуқуқ ва бурчлари "Соғлом авлод асослари" дарсларида кенг ўргатилмоқда.

— Дарсларни турли ноанъанавий усуллардан фойдаланган ҳолда олиб бораётганимиз ўқувчиларнинг Конституцияни ўрганиши самардорлигини оширмоқда, — дейди "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2014" республика кўрик-танлови гоҳиси Н.Хайитов. — Ўтган йили Бобур Абдиев, Шаҳзод Давлетов каби ўқувчиларимиз билимлар беллашуви ва фан олимпиадасида муваффақият қозонгани ёшларимизнинг ҳуқуқий билимларни эгаллашга бўлган иштиёқи ортганидан далолат бўлди. Президентимиз "Юсак маънавият — енгилмас куч" асарида таъкидлагандек, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилган, бошқача айтганда, халқимизнинг ertangi кунни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ.

Мазкур мактаб ўқувчилари мамлакатимиз Конституциясини ана шу жиҳатларини эътиборга олган ҳолда ўрганмоқда.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎЗА мухбири

Она yurt ohanglari

Шу кунларда пойтахтимиз халқ чолқулари йўналишида

"Она yurt ohanglari" халқро танловига мезбон. Мазкур халқро танловда босқичдан босқичга энг иқтидорлилар сараланиб, беллашувлар ўзининг қизгин палласига кўтарилди.



ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР

халқро танлов ҳайъатини қойил қолдирмоқда

Илк босқичдан ўтган ёш чолғучилар навбатдаги босқичда буюк композиторлар асарларини болалик жўшқинлиги ёшлик шижоатини жо этган ҳолда ижро этишди. Танлов ўтаётган Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусика академик лицейининг катта сахнасида гоҳ Бахнинг сюиталари, Бетховеннинг "Элзага"си, гоҳ Йоганн Штрауснинг "Марш"и ёки Чайковскийнинг композициялари янграйди. Иштирокчиларнинг баъзилари жуссасидан катта чолғуни шундай маҳорат билан сайратадики, қалб тоғлири чертилиб, олис хотиралар кўз олдинида жонланади. Умуминсоний қадриятлар улуғларини мазкур асарлар доимо инсоният маънавий оламининг энг ноёб дурдонаси бўлиб қолаверади. Ёш мусикачилар тингловчиларга жонли мусика тинглаб лаззатланиш имкониятини бахш этди.

Танловнинг сахна орти жараёни ўзига хос. Ёшлар бир-бирини мусика тили билан яхшироқ тушунадигандай. Бир томонда ўзбек, турк, озарбойжон ўсмирлари доира, тор, баглама, сурнай, гижжак жўрлигида ўзларига таниш кўпларни биргаликда ижро этишди. Бошқа томонда эса қозоқ вахиллари рус қизларининг дўмбираси билан қизқиб, ўзларининг дўмбирасидан нимаси билан фарқ қилишини билиш учун бир куйни ҳар иккисидан ҳам чалиб кўради. Гижжакчи йигитларимиз эса устозларидан озарбойжон каманчасининг гижжакчидан фарқи жиҳати, уларнинг келиб чиқиш

тарихи ҳақида суриштиришади, каманча камонини намадан ясалганига қизиқишади.

Натижалар эълон қилинганда ёшлар бир-бирини самимий қутлашди. Навбатдаги босқичга ўтганларга омад тиланди. Пайтдан фойдаланиб, халқро танловнинг ҳакамлар ҳайъати аъзолари билан суҳбатлашдик.

— Ўзбекистон билан Озарбойжон халқлари ўртасидаги маданий алоқалар узоқ ўтмишга бориб тақалади, — дейди "Она yurt ohanglari" халқро танлови ҳакамлар ҳайъати аъзоси, озарбойжонлик Раҳиб Расулзадеҳ. — Чуқур тарихий илдизлар ўхшаш ва яқин миллий аъёнлар, урф-одатлар, тил, маданият ва динга асосланади. Масалан, ўзбек халқида маком йўналишидаги санъат асарлари 6 мақом сифатида жамланган бўлса, бизники эса 7 муғом деб юритилади. Яқинда пойтахтимиз Боку шаҳрида "Муғом" VI халқро кўшиқ фестивали бўлиб ўтганди. Ҳамюртингиз Зилола Хайруллаева макомнинг мураккаб йўналишларидан биридаги ижроси билан қатнашиб, биринчи ўринга сазовор бўлди. Ушунда унинг овози, ижросига қойил қолиб, иқтидорини тарбиялаш тажрибаси билан қизиққандим. Келиб уни суриштирдим, пойтахтдан анча олис вилоят — Сурхондарёдаги 6-мусика мактабининг ўқувчиси экан.

Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусика академик лицейи ҳамда Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган

мусика академик лицейларида болаларнинг мусикани ўрганиши учун яратилган шароитлар, устозларнинг тажрибаси билан таълим, келажақда Зилола Хайруллаевадек истеъдод соҳиблари кўплаб етишиб чиқишига амин бўлдим. Танлов иштирокчилари Ўзбекистоннинг турли ҳудудларидан экани, биргина пойтахтда эмас, балки барча жойда ҳам имкониятлар тенглиги — истеъдодларни топиш ва уларни рағбатлантириш бирдай олиб борилишига ғувоҳ бўлдим.

— Аввало, халқро танлов ташкилотчиларига ўзимнинг миннатдорлигимни билдирмоқчиман, — дейди танловнинг ҳакамлар ҳайъати аъзоси, туркиялик доктор Бабақ Жаваншир. — Тадбир юксак савияда ўтмоқда. Мазкур фестивалдан қувонган жиҳатим шуки, қўйилган шартлар ёш авлодни ўз халқи мусикасини ўрганиб, кейинги авлодга етказишга ундаши бўлди. Дарҳақиқат, халқ мусикаси тарихимиз, ўтмишимиздир. Дунё глобллашиб, қадрият ва аъёнлар унутилаётган бир паллада Ўзбекистон ҳуқуматининг бу танловни ўтказиши айна муддао. Ҳеч иккиланмасдан шу йўналишдаги халқро мусика танловлари ўтказилишида замин яради.

"Она yurt ohanglari" халқро танловининг якуний босқичи Ўзбекистон давлат консерваториясида бўлиб ўтади.

Аброр УМАРҚУЛОВ,
"Ma'rifat" мухбири



Жиззах шаҳридаги 10-умумтаълим мактабида хорийги тиллар замонавий таълим андозаларига мувофиқ илгор педагогик усулларда ўқитилмоқда.

Бунда давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда. 1 минг 92 нафар ўқувчи таълим олаётган мактабнинг кутубхона, инглиз тили хоналари зарур адабиётлар, ўқув материаллари ва курғазмалар воситалар билан жиҳозланган. "We Learn English" (инглиз тилини ўрганамиз) тўғарак машғулотида ўқувчилар қўшимча билим ва кўникмага эга бўлаётган.

Шерзод НАЗАРОВ (ЎЗА)
олган суратлар.



Болани овуттиш жуда қийин иш, айниқса, гўдакни. У йиғлаб турган бўлса ёки ухлаш олди-дан хархаша бошласа, вазият янада оғирлашади. Шунда оналар болани қўрқитиш йўли билан муаммага ечим излашади: «Ана бобов (ажина) келаяпти, ҳиҳ»... Ҳар кунни эшитаверганидан, лекин ҳали бирор марта ҳам келмаган «ажина»ю «бобов»лардан тап тортмаган бола яна инжиқланишда давом этади. Шунда она «Ана доктор, катта уқолини олиб келаяпти» дейди. Яқиндагина шамоллашдан чиққан ва уқол дори-ларнинг захрини ҳали унутиб улгурмаган гўдак-кина мажбур кўзини юмади. Она хотиржам тор-тади...

Бу манзара деярли барча оналарга таниш. Болани овут-тишининг бошқа йўллари из-лаш ўрнига, жигарбандини тур-ли ваҳимали пўписалар билан қўрқитиш келажақда унинг пси-хологиясида ёқимсиз чизгилар қолдириши ҳақида шу йўсин-да хотирини жам қилаётган оналар ҳеч ўйлашармикан?

Шахснинг тиббий мадания-тини ошириш учун болаликдан саломатлиқнинг қадрига етиш-ни, тиббий хизматлардан вақ-тида ва самарали фойдала-нишни оиладан бошлашимиз-да маъни қўп. Шундагина бо-лаларимиз богча ҳамшираси-нинг текширувларидан, мак-табдаги эмлашлардан беизб қочмайди. Шифокорларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати улар соғлиги учунлигини тушунади. Натижада улгайгани сари ўз саломатлигининг қадрига етиб, зарарли одатлардан, саломат-лик қушандаларидан узоқроқ юришга ўрганади. Аслида ҳам, соғлом миллат соғлом бола-дан бошланади. Бугун мамла-катимизда соғлиқни сақлаш, таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар жа-ҳон ҳамжамияти томонидан алоҳида эътироф этилмоқда. Хусусан, Ватанимизнинг тақди-ри ва келажаги учун масъуля-ятни ўз зиммасига олишга қодир ёш авлодни тарбияла-воғяга етказиш вазифасини из-чил давом эттириш учун аниқ мақсадга қаратилган кенг қўламадаги чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат ва жа-миятнинг барча куч ва имко-ниятларини шу йўлда сафар-бар этиш мақсадида «Соғлом бола йили» Давлат дастури бўйича устувор вазифалар амалга оширилмоқда. Мақсуд ҳужжатнинг учинчи бандида соғлом болани воғяга етказиш-да, патологияларсиз болалар туғилишида соғлиқни сақлаш тизими ва тиббиёт ҳодимла-рининг роли ва масъулиятини кучайтириш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш бўйича кенг қўламли ахборот-тушу-нтириш ишларини мунтазам олиб боришга алоҳида эъти-бор қаратилган. Шу маънода таълимнинг барча бўғинлари қатори мактабга таълим му-ассасаларида ҳам тарбияла-нувчилар саломатлигига ҳар қачонгидан кўра синчков эъти-бор берилаётипти.

Тиббий текширувни ҳар кунни ўтказиш зарур

Пойтахтимиздаги 552-МТМга эрта тонгдан болалар-ни ота-оналари, яқинлари олиб келишяпти. Гуруҳларда эса эрталабки кўрик жараёни ке-таяпти. Шифокор Флёра На-зарова ота-оналардан болалар саломатлиги борасида сўраб-суриштиряпти. Томоғи қизар-ган, иссиғи чиққан икки нафар болани ҳудуддаги 10-оилавий поликлиникага йўллашма билан

ТИББИЙ МАДАНИЯТГА ЭГА БОЛА

касаллик енгиб, ётиб қолгач шифокорга мурожаат этмайди, барвақт ҳаракатга тушади

жўнатди. Ҳамшира Гулнора Сатторова гуруҳма-гуруҳ кириб ҳар бир бола тирноқларига йод суриб чиқаяпти. Юқумли касал-ликларнинг олдини олиш мақ-садида бундай профилактика ҳар кунни ўтказилади. Богча бо-ласи куннинг асосий қисмини шу ерда ўтказишини назарда тутилганда, тарбияланувчилар саломатлигида муассаса ши-фокори ва ҳамширасининг ўрни муҳим.

— Эрталабки қабул жараё-нида боланинг иссиғини ўлчаб, терисини кузатиб, умумий аҳоли билан танишамиз. Бу ҳолатни шифокорлар тилида оддийгина қилиб «Филтр» деймиз, — дейди Флёра На-зарова. — Агар болада касал-лик аломатлари сезилса, бог-ча ҳамшираси ва тарбиячи ота-онага вазиятни изоҳлайди ва ҳудуддаги тиббий муассасага йўллашма беради. Шундай ва-зиятлар ҳам бўладики, оналар тарбиячидан фарзандига кун давомида дори ичириб қўйи-шини илтимос қилади. Буни тарбиячи қатъиян рад этиши керак. Чунки шифокор назорат-сиз беришган ҳар қандай дори ноғоя таъсирлар келти-риб чиқариши мумкин. Агарда бола уч кунгача бетоб бўлиб машғулотларда қатнашмаган бўлса, касаллиқни бошидан ўтказгани ҳақидаги маълумот-нома ва тиббий таҳлиллар на-тижаси билан богчага қабул қилинади. Мабоодо тарбияла-нувчи сабабсиз уч кундан ортқ богчага келмаган тақ-дирда ҳам, таҳлил натижалари билан богчага келиши шарт. Сабаби, унинг шу давр мобайнида юқумли касаллик-лар юктириб олмагани эҳтиёт шарт аниқланади. Фарзандла-римизнинг касалликлардан мунтазам ҳимояланиши турли салбий оқибатларнинг илдизи-ни кесади. Шунинг учун куно-ра тарбиячилардан болалар-нинг умумий аҳоли ҳақида маълумот олинади. Муассаса-мизда тарбияланувчиларнинг умумий қувватини, имуните-тини ошириш мақсадида фи-тобар ташкил қилинган. Ши-фобахш дамламалар, наъма-так, лимонли чойни болажон-лар хуш кўриб ичишади. Ўзини тутишида ўзгариши бор, маш-ғулотлар пайтида ўзлаштири-ш сусайган, инжиқлашиб қол-ган болалар алоҳида назорат-га олинади. Улар умумий ана-лизлар топшириб, тегишли

тиббий мутахассислар кўриги-га ва психолог ҳузурига жўна-тилади. Шундай боладаги ижо-бий томонга силжишни, албат-та, биринчи навбатда тарбия-чи сезади ва тиббий ҳодим-лар тавсиясига қўлоқ тутади. Шунинг учун ота-оналар тар-биячи билан узлуқсиз мулоқот-да бўлиши, боласининг умумий ҳолатидан хабардор бўлиши керак.

Муассаса кичик гуруҳ тар-биячиси Мадина Ҳасанбоева-нинг тажрибаси билан таниш-дик. Тарбиячи «Менинг тана азёзоларим» машғулотини ўта-ётган экан. Болаларда ўз тана азёзолари, организми ҳақида илк тушунарларни шаклланти-риш, гигиена қоидалари нима-лигини тушунтиришга қаратил-ган машғулотда болалар жон-дули билан иштирок этиша-пти. Ювилмаган қўл билан қовоқларни ишқаласа, кўз оғриши, совуқлаб ювилмаган қўлда микроблар бўлиши, улар қоринни оғриштириши болалар гигиена қоидалари сифатида айтилди. Шунингдек, тарбия-чи қўкатлар, мева ва сабза-вотларнинг фойдали эканлиги-ни, болаларнинг бўйини, қиз-ларнинг сочини ўстиришини, ақлини қарқлашини шеър ва ҳикоялар орқали тасвирлади. Шундан сўнг болалар сабза-вот ва қўкатлардан тайёрлан-ган салатни мазза қилиб исте-мол қилишди. Ўшбу машғулот болани ўзига нисба-тан эътиборли бўлишга ўрга-тиши, соғлом турмуш тарзини шакллантириши билан аҳами-ятлидир. Жараён сўнггида тар-биячи жисмоний тарбия ва спорт саломатлик омиллари-дан эканлигига тўхталди.

— Тарбиячи ҳар кун эрта-лабки машғулоти жисмоний тарбиядан бошлаши керак, — дейди у. — Тарбияланувчилар руҳан тетик, жисмонан соғлом бўлишда 10—15 дақиқалик машқларнинг аҳамияти катта. Лекин баъзи тарбиячилар эри-нибми, болаларни авайлабми, жисмоний машқларни мунта-зам олиб боришмайди. Асли-да, бола бу йўл билан авай-ланмайди. Аксинча, тонгданок фаол фаолиятга киришмас-дан, тортибнигина янги маъ-лумотларни қабул қилади. Ўз тажрибамда нафақат эрталаб-ки бадантарбияга, балки кун давомида ҳам ҳаракатли ўйин-ларга кўпроқ эътибор қарата-ман. Миллий ўйинлар қатори

топшириқли-ҳаракатли ўйин-ларни ҳам болалар қизиқиб ўйнашади. Олайик, «Нима қандай юради?» (от, тошбақа, қушлар, маймун мисолида) ўйини болалар мушакларини фаол ҳаракатлантиради, қон айланишини яхшилайдиган ва мантикий тафаккурини ўстира-ди. Гуруҳдаги Жамшидда яс-ситовонлик белгилари яққол сезиларди. Онаси билан мас-лаҳатлашдик, мунтазам мас-саж ва муолажалар олаёпти, махсус ортопедик оёқ кийим қиймоқда. Богчада нарвонда, қамшидан тўқилган нотекис йўлакчада ҳар кун шўғуллан-дик. Мана, йил бошидан бери Жамшиддаги тез толиқиб, кўп югура олмаслик, кенга томон оёқларининг оғришидан но-лиш ҳолатлари кузатилмая-пти.

«Д» рўйхат нима?

Богча шифокори ва ҳам-ширасининг муассасада олиб борадиган бошқа қатор вази-фалари борки, уларни янада кенгроқ ўрганиш учун Чилон-зор туманидаги 536-МТМга йўл олдик. Ҳамшира Дилдора Самандаровани ошхонада су-зилаётган овқатлардан наму-на олаётган пайти учратдик.

— Болалар истеъмол қиладиган ҳар қандай овқат вита-минларга бой, сифатли ва са-нитария қоидаларига риоя қилинган ҳолда тайёрланиши лозим. Шунда кичкинтойлар-нинг овқатдан касалланиш ҳолатларининг олди олинади. Биз тиббий ҳодимлар ҳар бир таом, егулик ва ичимликлар-дан намуна олиб, эртанги кун-гача сақлаймиз, — дейди тиб-бий ҳодим.

«Фарзанди соғлиғидан ши-коят қилиб мурожаат қилган ота-оналарга қандай ёрдам берасиз?» деган савол билан Дилдора Самандаровани юз-ландик.

— Муассасада 210 нафар тарбияланувчи бўлиб, барчаси бир йилда икки марта тор доирадаги тиббий мутахассислар кўригидан ўтишади. Саломат-лигида нуқсонли бор болалар мажкур текширув жараёнида аниқланади ва уларга тегишли йўллашма бериб, «Д» рўйхатга оламиз. Даволоччи шифокор томонидан соғайгани тўғриси-даги маълумотнома берилагани-дан сўнг бола яна богчага қай-тади ва биз умумий ривожлан-тирувчи ва профилактик чора-

ларни кўраимиз. Бу вазиятда, албатта, ота-оналар ҳамкорли-гига сўнаимиз. Мисол учун, тай-ёрлов гуруҳи тарбияланувчиси Шаббонада йил ўртасидаги текширувда 1-даражали буқоқ ҳолати аниқланган. Тарбиячи-си билан гаплашганимда, ҳақиқатан ҳам, болада соч тўки-лиш, руҳий ҳолатида ўз-гаришлар, таянч ҳаракат азёзоларининг рисоладагидек эмаслиги сезилган. Қизчанинг онаси Замира Ҳотамовани эътиборли бўлишга ундадик ва ҳудудий эндокринолог мута-хассис қабулига юбордик. Кўпчиликнинг сабб-ҳаракатла-ри билан бола тизимли даво-лаш курсларини олди, овқат-ланишига, тенгдошлари билан ўйнашига богчада ҳам, уйда ҳам эътибор берилди. Мана ҳозир Шаббона тўлақонли соғ-ломлаштирилиб, «Д» рўйхатдан чиқарилди. Ҳар бир бола би-лан ана шундай муносабатда бўлиш тез касалликка чалинув-чи ва сурункали дард билан оғриб юрадиган болалар со-нининг ескин камайишига са-баб бўлади.

Муассасада йил мобайни-да ўтказилган тор доирадаги умумий кўрик даврида кўз ка-салликлари, буқоқ, камқонлик, логопед, стоматолог қарови зарур бўлган болалар рўйхат-га олинган. Улар билан мун-тазам соғломлаштириш ишла-ри олиб борилиши натижаси-да саломатлигида кузатилган муаммолар бартараф этилган. Шунингдек, 24 нафар талаф-фузидан нуқсонли бор болалар билан махсус машқлар ўтка-зилиши зарурлигини мутахас-сис маслаҳат берган. Улар би-лан муассаса логопеди Асо-лат Убайдуллаева мунтазам шўғулланади. Дуккаки доллар ёрдамда қўл моторикасини ривожлантириш, тил айланти-риш, юздаги асабга боглиқ бўлган нуқталарни уқалаш каби муолажалар ва тил маш-қларидан сўнг болалар янада бийрон сўзлашади. Комилжон «р», «с» товушларини айтол-масди. Онаси Шахноза Илё-сова ўғлининг мазкур маш-қлардан кейин ҳамма товуш-ларни тўлиқ талаффуз қиладиганини таъкидлади. Бундай чора-тадбирлар болаларнинг ўзлаштириш даражаси яхши-ланишига ва МТМ мониторинг натижалари кўтарилишига хизмат қилади. Ўғил-қизлар жисмонан чинқиқ мактабга ҳар жиҳатдан тайёр бўлиб ул-гайишади.

Шундай ҳулоса билан МТМдан чиқарганимиз, тибби-ёт хонасида Жаҳоир ва Рух-шонанинг онасига ва тарбия-чи Светлана Қаюмовага ҳам-шира болалар камқонлигининг олдини олиш борасида қўрсат-ма бераётганига ғувоҳ бўлдик: — Оилада болалар овқатла-нишига, куннинг тўғри режа-лаштирилишига эътибор қара-тинг. Витаминларга бой таом-лар, мева, сабзавот ва қўкат-ларни кўпроқ истеъмол қилсин. Овқатдан кейин икки соатгача чой ичирманг. Чой ҳази ми-омда темир моддасининг пар-чаланишига сабаб бўлади...

Суҳбат асосида алоҳида эътибор бердим: шифокор бо-лаларнинг бошини силаб, то-моғини очиб кўраркан, улар оқ ҳолатли опадан чўчимасди... Демак, бу болаларда ҳозирда-ноқ ўз соғлиғи ҳақида қайғуриш малакалари шаклланмоқда.

Насиба ЭРХОНОВА,
«Ma'rifat» муҳбири



2014-yil 25-oktabr, № 86 (8735)

ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ МАРКАЗИ

талабаларнинг руҳий саломатлигини мустаҳкамлайди

Хар қандай таъкилот учун ишчиси ўз маошини нималарга сарфлашининг заррача қизиги йўқ. Бу, албатта, ходимнинг ўз хоҳиш, истаги ҳисобланади. Истаса комьютер стотиб олсин ёки танишига қарз берсин... Аммо ушбу тартиботни бугунги таълим тизими билан қиёслаб бўлмайди. Негаки, бугун олий ўқув юртига ўқишга кирган талабага таълим берувчи муассаса «истасанг ўқи, истамасанг йўқ...» деган «хоҳишлар танлови»ни беришдан йироқ. Олий таълим даргоҳи ўқув йиллари давомида талабанинг билим даражаси, тартиб-ишоти, маънавий салоҳиятини ривожлантирибгина қолмай, касбий лаёқат, иш билан таъминланиши, келажак мақсадлари учун ҳам катта масъулиятни ўз зиммасига олган. Жумладан, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошида ташкил этилган «Психологик хизмат» маркази талабалар, ўқитувчилар ҳамда университет ходимлари учун психодиагностик, психокоррекцион методларда беминнат хизмат қилиб, кўплаб самарали ишларга «бош-қош» бўлмоқда.

— Марказимиз 2013 йили университетимизда фаолият кўрсатаётган психология фани ўқитувчи, профессорлари ташаббуси билан ташкил этилди, — дейди психология фанлари доктори, «Психологик хизмат» маркази раҳбари Нуриддин Сафаров. — Марказни ташкил этишдан мақсад талабаларга касбий маслаҳат бериш, психологик хизмат кўрсатиш, фан доирасида билим ва кўникмаларини психик текшириш, қоларсаси, ўқитувчилар ҳамда ишчи-ҳодимларнинг руҳий муаммолари, шахсий ривожланишидаги қийинчиликларни бартараф этишга кўмаклашишдан иборат. Марказга психология, умумий психология ва амалий психология кафедралари профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчи, ёш

олимлар, психология факультетининг 4-курс битирувчилари ҳамда магистрантлари жалб этилган бўлиб, махсус жадвал асосида, мижозларга бепул хизмат кўрсатиб келишмоқда.

Талаба-ёшларнинг руҳий олами, маънавий ҳаётини янада ривожлантириш мақсадида ташкил этилган ушбу марказ фаолиятдан талабалар ҳам мамнун.

— Шу йили физика-математика факультетида ўқишга кирдим, — дейди Азамат Бахриддинов. — Табиатдан тортинчоқ, уятчан бўлганим сабаб, жамоатчилик орасида муомала қилиш, ички истеъдодимни намойиш этиш, мустақил фикримни билдиришга қийналар эдим. Мендаги бу салбий ҳусусиятлар универси-

тетдаги ўзаро муносабатлар, ижтимоийлашува кўплаб ноқулайликларни келтириб чиқарди. Ўзлаштиришим ва баҳолаш рейтингим учун фақат дарсни тинглашимнинг ўзи етарли эмас экан. Билганларимни аудиторияда баён қилиш, баҳсга киришиш, ўз фикримни дадил айта олишда анча қийналдим. Мендаги бу ноқулайликларни пайқаган устозларим таълим муассасамиз қошидаги «Психологик хизмат» марказига мурожаат этишни маслаҳат беришди. Ҳақиқатан ҳам, мана бир ой вақт оралигида руҳиятимда катта, ижобий ўзгаришларни кузатаётиман. Турли психологик тестлар, тренинглар, анкета сўровлари ҳамда индивидуал психологик машқлар «меннинг ўзим»ни топишим, шахсиятимни ҳурмат қилишим, ўзимга ишонишим, яширин, табиий куч-қувватимни юзага чиқаришим ҳамда кувноқ феъл-атворни шакллантиришимга кўмак бераётган. Айниқса, ўқитувчи ва талаба ўртасидаги муносабатларни пухта ўрганаётганим баҳоларим кўрсаткичи ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

— Марказимизда таълим-тарбия, хизмат методларини турли йўналишларга ажратиб, ходимлар билан тақсимлаб олганмиз, — дейди катта ўқитувчи Феруза Алимова. — Бу ердаги барча дарслар, тренинг ва машғулотлар соғлом шахс руҳиятининг ўсишини таъминлаш, шахс ривожланишидаги турли қийинчиликларни коррекция қилиш, ўз касбини

севиш ёки уни етарли сабабларга кўра алмаштириш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишга йўналтирилган. Шунингдек, марказга университет ўқитувчилари ҳам мурожаат этиб, ота-оналар билан намунали ишлаш принциплари, психологик-педагогик салоҳиятни ошириш усуллари, талабаларнинг ижодий салоҳиятини юксалтириш услублари бўйича ўтказилаётган семинар-дарсларда мунтазам иштирок этиб келишмоқда. Қисқа, бир йиллик фаолиятимиздан шуни билдикки, талабалар ва ўқитувчиларда бу каби марказларга эҳтиёж жуда катта экан. Янги ўқув йили бошланишида марказнинг педагогик кенгашида жорий йилги иш дастуриимиз мазмунини янада бойитиб, аниқ концепциялар киритдик. Унга кўра, таълим жараёни барча субъектларининг психологик саломатлигини муҳофаза қилиш, талабалар ва педагогик жамоада соғлом психологик иқлимини шакллантириш, тарбиясида оғишлар кузатилаётган ўсимир-ёшлар билан индивидуал дарслар ташкил этиш, уларнинг оила ва жамиятга мослашуви ҳамда ижтимоийлашувини таъминлашга ёрдам бериш билан боғлиқ ўқув-хизмат режалари тузиб чиқдик.

Ривожланган мамлакатлар таълим-тарбия тизимида ёш авлоднинг ақлий салоҳияти коэффицентини ошириш, психологик саломатлигини таъминлаш энг муҳим вазифалардан саналади. Чунки ички МЕНИ кучли инсонгига етук кадр, яратувчи, бошқарувчи бўлиб шакллана олади. ТДПУ қошида ташкил этилган «Психологик хизмат» маркази олдин кўйган асосий мақсад ҳам худди ана шу мақсадга ҳамоҳангдир.

Маърифат ТЕМУРЗОДА,
«Ma'rifat» мухбириКенг кўламли
фаолият ва самара

Айни кунда Нурота кон саноти ва Навбахор туманидаги «Истиклол» касб-хунар коллежлари Навоий кончилик коллежнинг филиаллари саналади. Ўз фаолияти давомида йигирма беш йўналиш бўйича йигирма беш мингдан ортиқ мутахассис кадрлар тайёрлашга эришган илм масканининг собиқ ўқувчилари орасида Ўзбекистон Қарамонин А.Н.Панин, А.Думброва, Т.Рўзиев сингари ҳукуматимизнинг юксак ордени ва медаллари билан мукофотланган кончилик соҳасининг фидойилари борлиги фахрланса арзигulikдир. Шунингдек, коллежда тахсил олган мутахассислар нафақат Навоий тоғ-кон металлургия комбинати, балки, республикамизнинг турли етакчи ишлаб чиқариш корхоналарида самарали фаолият юритишмоқда.

Албатта, бугунги кунда юксак интеллектуал салоҳиятга эга рақобатбардош кадрларни тайёрлаш учун аввало педагог ва муҳандислардан катта касбий маҳорат, илмий салоҳият талаб этилади. Икки юздан ортиқ педагог ва муҳандисларни бирлаштириб турган жамоада Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси А.Кравцова, «Дўстлик» ордени соҳиби Б.Уроков, «Шўхрат» ме-

МИЛЛИЙ ДАСТУР
НИҲОЛИ

дали кўксида порлаб турган Ш.Ботиров, С.Саломова каби давлат мукофотлари соҳиблари, унга яқин фан номзодларининг ёшларга сабоқ бераётгани кўпчилик учун ибрат мактаби бўлиб келмоқда. Хар йили коллеж битирувчиларидан камида 10—12 фойзининг республикамиздаги турли олий таълим муассасаларининг талабалари сафидан ўрин олаётгани, ўқувчиларнинг фан олимпиадаларининг республика босқичигача бўлган йўлни муваффақиятли босиб ўтаётганлари, етти нафар ўқувчининг турли йўналишлар бўйича тадқиқотлар олиб бораётгани муассасада мукаммал касб-хунар таълими берилишига эътибор қаратиш баробарида, илмий излашлар билан ҳам хар томонлама кўллаб-қувватланаётганини кўрсатади.

Биринчи босқич
ўқувчиси — унинг иш
ўрни кафолатланган

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида касб-хунар таълими масаласига жиддий эътибор қаратилиб, жумладан,

«...худудларнинг географик ва демографик шарт-шароитларини ва тегишли соҳадаги мутахассисларга бўлган маҳаллий эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими таълими муассасаларининг ташкил этилишини ва улар оқилона

жойлаштирилишини таъминлаш...» лозимлиги алоҳида қайд этилади. Шу маънода айтиш мумкинки, Навоий кончилик коллежиди бу борада ўзига хос таъриба тўпланган. Билим даргоҳида ўқиш истагини билдирётган ёшлар сафи кенгайиб бораётганининг бир сабаби ҳам мазкур масканга қабул қилинган йигит-қиз айни пайтда иш ўрнига ҳам эга бўлгани кафолатланганидир.

Kollejlar hayotidan

— Хар йили январь ойида Навоий тоғ-кон металлургия комбинатининг ўттизга яқин корхона ва ташкилотларига уч йилдан сўнг қайси мутахассисликка эҳтиёж борлиги юзасидан саволномалар ўтказилади, — дейди коллеж директори, филология фанлари номзоди Улуғбек Сатторов. — Жавоблар умумлаштирилгач, янги ўқув йилининг қабул режаси шакллантирилади. Шу аснода бир йили дейлик, «Технологик машиналар ва саноат жиҳозларини созлаш ва хизмат кўрсатиш механиги» йўналиши бўйича ўқувчилар қабулига кўпроқ ўрин ажратилса, кейинги йили «Электр жиҳозлари ва тармоқларини монтаж қилиш ва хизмат кўрсатиш бўйича техник-электрик»лар тайёрлашга талаб ортиши мумкин.

Коллежнинг ўқув-ишлаб чиқариш базаси 1650 кв.м майдонда жойлашган 5та цех ва 1 гектар ер майдонини эгаллаган устакхоналар мажмуидан иборат. Ушбу мажмуа юздан ортиқ жиҳозлар ва Навоий металлургия заводи ишлаб чиқариш бирлашмасининг дастурий бошқарувини амалга оширувчи «НТ-250» русумидаги 5та

дастгоҳ билан таъминланган. Электр ва газ пайвандлаш мосламалари ҳамда «Мульти-плаз» пайвандлаш аппарати асбоби база ва лабораторияларда самарали машғулотлар олиб бориш имкониятини яратди. 82600га яқин китоб фондига эга ахборот-ресурс маркази интернет ва «Zyonet» тармоқларида уланган. Шунингдек, электрон кутубхонада зарурий адабиётлар, ўқитувчилар томонидан яратилган маъруза матнларининг электрон нусхалари жамланган.


— Биринчи босқич ўқувчилари учун амалий машғулотлар ишлаб чиқариш корхоналарида экскурсия тарзида олиб борилад, иккинчи босқичга ўтишлари билан уларнинг ҳар бирига гуруҳ раҳбари, таълим устаси билан бирга тегишли корхона ва ташкилотлардан алоҳида мураббий тайинланади, — дея сўхбатимизни давом эттиради У.Сатторов. — Учинчи босқичга ўтган ўқувчимиз диплом мавзусини танлар экан, айнан ўзи амалиёт ўтаётган, яъни эртаги иш бошлайдиган корхона ва ташкилот фаолиятидаги ечим-талаб муаммоларга эътибор қаратади. Айтиб ўтиш жоизки, муассасамизда йигирмадан ортиқ мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаб келинаётган бўлса, 2014-2015 ўқув йилидан янги «Техник геофизик», «Бургулаш иши механиги» йўналишларига ҳам ўқувчилар қабул қилинди.

Маънавият енгилмас
кучдир

Дарҳақиқат, биз орзу қилган баркамол авлод фақатгина етук

мутахассис эмас, олижаноб фазилатлар соҳиби, ватанпарвар шахс ҳам бўлмоғи даркор!

Навоий кончилик коллежи гарчанд техник, кончилик йўналишида мутахассислар тайёрлашга ихтисослашган бўлса-да, мазкур илм масканида бу йил еттинчи бор «Алишер Навоий меросининг ёшлар таълим-тарбиясидаги ўрни» мавзусидаги республика илмий-амалий анжуманини ўтказиш режалаштирилгани, билим даргоҳи биносидаги «Коллеж тарихи мавзуси»да ўқувчиларнинг ижодий ишлари кўргазмаси мунтазам ташкил этиб турилиши, «Феникс» тўғрагининг ўз атрофида иқтидорли ёшларнинг жамлаётгани — маънавий тарбиянинг сабоқлари сифатида ҳам ибратлидир. Айни пайтда НДКИ, НДПИ, Урганч давлат университети, Хоразм Маъмун академияси, ЎзМУ сингари бир қатор олий таълим муассасалари ва илмий муассасалар устоз-мураббийлари билан ижодий мулоқотлар йўлга қўйилган бўлиб, ушбу ҳамкорлик натижасида турли услубий қўлланмалар яратилмоқда, республика миқёсидаги конференциялар, семинарлар уюштирилмоқда. Спортчи ёшлар орасидан Жаҳон ва Осиё чемпионлари, ҳалқаро ва республика миқёсидаги спорт усталари етишиб чиқаётгани эса жисмоний тарбия маданияти, тарғиботи ҳам катта эътибор қаратилаётганининг маъсулидир.

Ойбуви ОЧИЛОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Халқ таълими вазирлиги яқинлашиб келаётган Янги йил байрамида меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ота-она қаровисиз қолган болалар, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кўп болали оилалар фарзандларига "Президент совғаси"ни тайёрлаш учун ширинликлар, канцелярия маҳсулотлари ва уларни жойлаштиришга мўлжалланган кичик ва катта махсус қутилар харид қилиш мақсадида танлов савдоларини

Э Ў Л О Н Қ И Л А Д И !

Танлов номи: Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ота-она қаровисиз қолган болалар, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кўп болали оилалар фарзандларига "Президент совғаси"ни тайёрлаш учун ширинликлар, канцелярия маҳсулотлари ва уларни жойлаштиришга мўлжалланган кичик ва катта махсус қутилар харид қилиш.

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.

Манзил: Тошкент шаҳри, 100159, Мустақиллик майдони, 5-уй.

Молиялаштириш: Ҳомийлик маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи мазкур танлов савдоларига меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ота-она қаровисиз қолган болалар, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кўп болали оилалар фарзандларига "Президент совғаси"ни тайёрлаш учун ширинликлар, канцелярия маҳсулотлари ва уларни жойлаштиришга мўлжалланган кичик ва катта махсус қутиларни харид қилиш учун улгуржи савдо ташкилотлари, нашриётлар ва ишлаб чиқарувчиларни таклиф этади.

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ота-она қаровисиз қолган болалар, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кўп болали оилалар фарзандларига "Президент совғаси"ни тайёрлаш учун ширинликлар, канцелярия маҳсулотлари ва уларни жойлаштиришга мўлжалланган кичик ва катта махсус қутиларнинг номи, техник талаблари, миқдори ва энг юқори нархи куйидагилар:

Лот	№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Умумий миқдор	Техник талаблар	Маҳсулотнинг энг юқори (максимал) нархи (сўмда)
Ўқув қуроллари						
I	1	Rangli qog'oz-lar to'plami	дона	11 000	Рангли қоғозлар ўлчами 297x207 мм (+/-2). Рангли қоғозлар тўплами муқоваси оғирлиги 150 граммлик қоғоздан ишланади. Рангли қоғозлар тўплами 12 хил рангда, ранги 4+0, оғирлиги 70 граммлик қоғоздан ишланган бўлиши шарт.	2 200,00
	2	Rasm daftari	дона	11 000	Расм чизиш учун дафтар ўлчами 288x203 мм (+/-2). Расм дафтари Ҳарқлар сонли 12 Ҳарқ. Расм чизиш учун оғирлиги 120 грамм, оғирлиги 93 %дан кам бўлмаган қоғоздан ишланади. Расм дафтари муқоваси 140 граммлик қоғоздан ишланади. Муқова ранги 4+0.	1 650,00
	3	O'quvchi daftari	дона	11 000	Ёзув учун дафтар ўлчами 170x205 мм (+/-2), оғирлиги 74-88%, оғирлиги 80 граммлик офсет қоғоздан ишланади. Ёзув дафтари 12 Ҳарқдан иборат. Муқова ранги 4+0.	300,00
	4	Bloknot	дона	11 000	Блокнот 100—110x145—155 мм. (+/- 2). Муқова ранги 4+0, оғирлиги 150 граммлик қоғоздан ишланади. Блокнот ёзув қисми Ҳарқлари 40—50 Ҳарқли, ранги 1+0, оғирлиги 70 граммлик офсет қоғоздан ишланади.	2 700,00
II	1	Akvarel bo'yoq	дона	11 000	Пластмассадан ишланган қутига жойлаштирилган, ҳар бир қовети 2,7 куб.см.дан иборат. Расм чизиш учун 12 хил рангдан иборат.	6 983,00
	2	Rangli qalam-lar to'plami	дона	11 000	Расм чизиш учун рангли қаламлар тўплами 12 хил рангда узунлиги 17,5 мм. Қутиси рангли картондан ишланади.	6 588,00
	3	Lastik-o'chir-g'ich	дона	11 000	Юмшак резинадан ишланган эластикли, ўлчами 40x15x10 мм. Ранги оқ.	500,00
	4	Flomaster	дона	11 000	Фломастерлар тўплами 10 (+2) хил рангда. Қутиси рангли картондан ишланади.	9 300,00
	5	Qalam ochqich	дона	11 000	Пластмасса корпусига жойлаштирилган металлдан ишланган қалам очуви учундан иборат. Ўлчами 43x26x24 мм.	1 163,00
	6	Plastik papka	дона	11 000	Ўқув қуроллари жойлаштириш учун пластикдан ишланган папка. Ўлчами 230x330 мм.	1 617,00
	7	Rasm chizish uchun to'plam	дона	11 000	Тўплам Ҳарқли, қалам ёки ластик-Ҳарқли, чизгич, учбурчак-чизгич, транспортёрдан иборат.	5 138,00
	8	Rangli ruchka-lar to'plami	дона	11 000	6 хил рангда ручкалар тўплами. Ручка корпуси пластмассадан, ручка солиш учун футляр пластикдан ишланади.	4 375,00
ШИРИНЛИКЛАР						
	1	«Капризуля» вафли-торт	дона	11 000	Маҳсулот оғирлиги 265 гр. Маҳсулотни ишлаб чиқарувчи Украина.	9 477,00

III	2	«Alpen gold» плиткали шоколади	дона	11 000	Маҳсулот оғирлиги 90 гр. Маҳсулотни ишлаб чиқарувчи Россия федерацияси.	5 481,00
	3	«Nestle» плиткали шоколади	дона	11 000	Маҳсулот оғирлиги 100 гр. Маҳсулотни ишлаб чиқарувчи Россия федерацияси.	6 424,00
	4	«Kit-kat» батон шоколади	дона	11 000	Маҳсулот оғирлиги 46 гр. Маҳсулотни ишлаб чиқарувчи Россия федерацияси.	2 989,00
	5	«Twix» шоколади	дона	11 000	Маҳсулот оғирлиги 55 гр. Маҳсулотни ишлаб чиқарувчи Россия федерацияси.	2 776,00
	6	«Snikers» батон шоколади	дона	11 000	Маҳсулот оғирлиги 50,5 гр. Маҳсулотни ишлаб чиқарувчи Россия федерацияси.	2 610,00
	7	«Kinder Surprise» шоколад ўйинчоки	дона	11 000	Маҳсулот оғирлиги 20 гр. Маҳсулотни ишлаб чиқарувчи Италия.	5 160,00
	8	«M&M's» шоколади	дона	11 000	Маҳсулот оғирлиги 90 гр. Маҳсулотни ишлаб чиқарувчи Россия федерацияси.	3 788,00
	9	«Super kontik» печенье	дона	11 000	Маҳсулот оғирлиги 100 гр. Маҳсулотни ишлаб чиқарувчи Украина.	2 667,00
	10	«Choko-pie» печенье	дона	11 000	Маҳсулот оғирлиги 30 гр. Маҳсулотни ишлаб чиқарувчи Россия федерацияси.	1 358,00
	11	«Французский зефир» конфети	дона	22 000	Маҳсулот оғирлиги 25—30 гр. Маҳсулотни ишлаб чиқарувчи Россия федерацияси.	997,00
	12	«Джек» вафли конфети	дона	11 000	Маҳсулот оғирлиги 25—30 гр. Маҳсулотни ишлаб чиқарувчи Украина.	997,00
	13	«Мульти-кейк» печенье	дона	11 000	Маҳсулот оғирлиги 180 гр. Маҳсулотни ишлаб чиқарувчи Украина.	5 050,00
	14	«Dolce» мева шарбати	дона	11 000	Маҳсулот оғирлиги 200 мл. Маҳсулотни ишлаб чиқарувчи Ўзбекистон Республикаси.	1 260,00
	15	«Chupa-chups» конфети	дона	22 000	Маҳсулот оғирлиги 10 гр. Маҳсулотни ишлаб чиқарувчи Россия федерацияси.	751,00
ҚУТИЛАР						
IV	1	Совғаларни жойлаштириш учун совға қутиси (кичик)	дона	11 000	Совғалар учун қути ўлчами 370x315x87 мм (+/-5). Ранги 4+0, бир томонлама ламинацияланган, микропрофракцион, устки қисми 250 граммлик қоғоздан ишланади, пластмассадан ишланган оқ рангда ручка қўйилади.	2 897,00
V	1	Гофракути (катта)	дона	11 100	Ўлчами: 920x330x385. «Президент араси — 2015» расми билан, маркази П сиртки қисми оқ қоғозли.	6 500,00

Барча маҳсулотлар жорий йилнинг 15 декабрга қадар етказилиши ҳамда ширинликларнинг эскириш мuddати 2015 йил 20 январдан кам бўлмаслиги шарт.

Танлов тақлифи умуий қийматининг 1 (бир) фоизи миқдордаги закалат пули билан тақлиф кафолатланиши шарт. Закалат суммаси ҳар бир лот учун алоҳида тўлов топшириқномасида қўрсатилган ҳолда Ишчи органининг Молия вазирлиги газначилигида очилган, қуйида келтирилган махсус ҳисоб рақамига ўтказилиши шарт:

Молия вазирлиги газначилиги
х/р.: 23 402 000 300 100 001 010
ХХКМ Марказий банк Бош бошқармаси
МФО: 00014, ИНН: 201 122 919
ш/р: 401 410 860 262 667 950 100 075 002
ИНН: 201 122 808, ОКОНХ: 97300.

Юқорида қўрсатилган тартибда закалат суммаси билан бириктирилмаган танлов тақлифлари қўриб чиқилмайди. Шунингдек, имзоланадиган шартномалар учун 15 фоиздан юқори миқдорда олдидан тўлов маблағлари талаб қилинганда, талаб қилинган аванс маблағларига тенг миқдорда да хизмат қўсатувчи банк томонидан банк кафолати тақдим қилиниши шарт. Банк кафолати тақдим қилинмаган тақдирда имзоланган шартномалар учун олдидан тўлов маблағлари 15 фоиз миқдорда тўлаб берилмайди.

Танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган корхона ва ташкилотлар лотлар кесимида тегишли ҳужжатлари ёпиқ ҳолда (муҳрланган конверт) расмий мурожаат хат орқали 2014 йил 30 октябрга қадар Тошкент вақти билан соат 15:00 гача Танлов комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги (Манзил: 100159, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, телефон (+99871) 239-16-30, (+99871) 239-40-77) девонхонасига топширишлари шарт. Қўрсатилган мuddатдан кечиккан мурожаатлар инобатга олинмайди. Буюртмачи қатнашчилар томонидан Танлов тақлифини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган ҳужжатларга жавобгар эмас.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти мустақил изланувчиларни қуйидаги ихтисосликлар бўйича ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

1. 13.00.01 — Педагогика назарияси ва тарихи. Таълимда менежмент.

2. 13.00.08 — Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси
Талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

1. Ариза;
2. Иш жойидан тавсифнома;
3. Маълумотнома;

Ҳужжатлар 25 октябрдан — 25 ноябргача қабул қилинади.

Талабгорлар 1—20 декабрда мутахассислик бўйича суҳбат ва чет тилидан имтиҳон натижалари асосида мустақил изланувчанликка қабул қилинади.

Манзил: 100095. Тошкент шаҳри Олмазор тумани Зиё кўчаси 76-уй.

Тел: 246-90-37. www.vosedu.uz. e-mail: moqt@vosedu.uz.

4. Олий таълим ёки фан номзоди тўғрисидаги дипломнинг нусхаси;
5. Меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;

6. Талабгорнинг илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш бўйича тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ОАК ҳужжатининг нусхаси;

7. Илмий ишлар ва илмий ҳисоботлар рўйхати.

2014-yil 25-oktabr, № 86 (8735)

Дўкон растасида келган-кетганларни томоша қилиб ўтирибман. Шу пайт онасининг кўлидан тутган икки қизалоққа кўзим тушди. "Бир ҳазиллашай", дедим ва секин қошимни қокдим. Каттароғи сезди, шекилли, кўзи қувончдан порлаб кетди:

— Ойи, ана Зумрад, қаранг, худди ўзи!

Хайрият, шу бахона исмиمنى ҳам билиб олдим. Ҳали ҳеч ким мени исми билан чақирмагани учун қизалоққа меҳрим янада ортди.

— Қайси Зумрадни айтаяпсан? Кани, қаерда? — дея онаси атрофга олазarak боқди.

— Ана, тепада турибди, қаранг!

Мен томон келаётган она-болаларни кўриб, уёқ-бугёғимни тузатган бўдим. Сотувчи опам доимидек хари-дорни хушумомалики билан ичкарига тақлиф қилди. Қизалоқлар менга ҳавас билан

Севимли машғулот ва қатъий мақсад

Йўлдаман, самарқандлик бир опа дугоналаримни ясаётгани ҳақидаги гап қулоғимга чалинди: "Бир хунарианд аёл яратган миллий кўғирчоқлар юртимиз бўйлаб тарқалаётган экан. Пастдарғом тумани Гумбаз маҳалласида яшовчи Яхшигул Тангирова болалар кийими ва юмшоқ ўйинчоқлар устаси. У аввал қаттиқ қоғоздан кўғирчоқ ясаб, ён-атрофдаги боғчаларга тарқатади, туман ва вилоят миқёсида ўтказилган кўргазмаларда ўз ижод намуналари билан иштирок этган эса, тақлифлар дўлдек ёғила бошлади. Опа ясаган кўғирчоқлар бола руҳиятига мос бўлгани боис ота-оналар ўртасида хари-дордир".

Бир томчи сувдек ўхшаш "қизалоқ"ларни ясаётган бу хунарианд аёлнинг ишини кутатиш кишига завқ бағишлайди. Унга оила аъзолари кўмаклашар экан.

лик тўғараги ташкил қилган. Юздан ортик шогирдларининг кўпчилиги иш ўрнига эга бўлди. Уларнинг орасида ўқув курслари очиб, ўз фаолиятини янада кенгайтираётганлари ҳам кам эмас.

Яхшигул опа вилоят хунариандлар уюшмасига аъзо. У ясаётган миллий кўғирчоқ ва юмшоқ ўйинчоқлар Самарқанд шаҳри зиёратгоҳлари дўконларида бозори чаққон экан. Кўтарасига сотиб олувчилар ҳам кўп. Пастдарғом туманидагина эмас, балки вилоятдаги аксарият боғчаларда Яхшигул опанинг "қизалоқ"ларини учратасиз.

Аввал яроқсиз, энди эса сеvimли

"Тошкентнинг таригини еган чумчуқ Маккадан ҳам қайтиб келади" деган гап тўғри экан. Самарқанддан пойтахтга қайтиб, шаҳар бўйлаб сайр қиларканман, йўл четидagi ранг-баранг расм ва эртак ҳаҳрамонлари билан безатилган кўркам

наётган "митти одамчалар"нинг танаси қийим матодан, кўз қорачиги чармдан, оқи қоғоздан, кийими атласдан. Қоп-қора сочлари ўрилган. Дўпписининг ўзгачалигини айтмайсизми? Тарбиячи опа қизининг эски чарм нимчасида қалампирнусха нақш бўлгани учун шартта қирқиб, дўппи тиккан экан. Қаранг, сотувдаги ўйинчоқлардан қаери кам?

Йўлимда давом этдим. Хаёлимда бир фикр: ҳар қандай она озгина вақт ажратса, ши-

кайтдингиз. Шириндан-шакар фарзандларингиз жилмайиб қарши олишидан умидвор бўлиб, эшикни очасиз. Дийдорини соғинган дилбандингиз "Дадажон" дея бағрингизга отилиш ўрнига кечагина сиз совга қилган қиличини яланғочлаб келса ёки автоматини ўқталганича: "Қўлингизни кўтар!" деб турса, ўзингизни қандай ҳис қиласиз?



Н. БОЙМУРДОВА суратлари.

ЎЗИМИЗНИНГ ЎЙИНЧОҚЛАРДАН ҚЎЙМАСИН!



боқишар, қўл-оёғини, қўйлак ва нимчани ушлаб кўрардилар. Ҳатто дўппим билан сочим ҳам уларнинг назаридан четда қолмади. Кичиги сал шўхрок экан, шекилли, кавушимнинг зар иппаридан тортиб ечиб олди. "Оёқияланг қоладиган бўлдим-ов", деб турсам, ҳартугул, онаси секингина яна кийгизиб қўйди. Аммо улар мени харид қилмадилар. Мендан кўзини узолмаётган қизалоққа бармоқларимни секингина қимирлатиб "хайр" деганча қолдим.

Яна ёлғизман. Қанийди, бирорта дугонан бўлса-ю, мириқиб суҳбатлашсам. Ён-атрофга кўз югуртирмаман. Ўнг томонимда кўзлари бирам совуқ, ям-ашил бақа тиржайиб ўтирибди. Чап ёнимда худди тирриқа ўхшайдиган ялтирок тўнли резина илон. Пастки қаторда эса юмшоқ ўйинчоқлар. Наҳотки, ўзимга ўхшайдиган бирортаси бўлмаса. Аллақандай чет эллик ўйинчоқларга қарагим ҳам келмайди, улар билан гаплашиб бўлмаса.

Ана холос, йўлини тоғдим! Саёҳатга чиқаман. Менга ўхшаган "ўзбекона" кўғирчоқлар юртимизда кўпроқ ишлаб чиқариш керак. Мен уларни излаб топаман.

— Аввал бўз матодан кўғирчоқнинг андасини бичиб оламан, — дейди Яхшигул Тангирова. — Ичига пахта ёки синтифон солинган тана аъзоларини бирлаштиргач, қош-кўзини нақшли чоқда тикаман. Сочини қалин қора илдан ясаб, қирқ қоп қилиб ўраман ва чиройли дўппи кийдираман. Атлас, адрес ёки бекасам каби миллий матоларнинг биридан ўзига мос қўйлак, оёғига чарм кавуш тикиб, зар ип билан безайман. Баъзиларига зирак, билгузук тақилса, бирам ярашади. Бўйи 10 см.дан 40 см.гача бўлган кўғирчоққа бир ойда 100тагача буюртма тушади. Бошини ёғочдан яшаш афзал қўрилмоқда. Дурддор уста силлиқлаб, думалоқ шаклга келтириб берган ёғочга мўйқалам билан қош-кўзини чизаман. Қолган тана аъзоларини симдан ясаб, ип ўраб чиқамиз. Кийинтирилгач, кўғирчоқ тайёр.

Ясаб жараёни ниҳоясига етган, фарзандимдай ҳадри бўлиб қолган миттивойлар менга завқ бағишлайди. Баъзан сотишга кўзим қиймайди. Аммо кўғирчоқ қизалоқлар учун, уйимда сақлаб нима ҳам қиламан? Бозор ва дўконларга кўрб бағишлаб турган "қоракўзлар"нинг харидорни кўп.

Пастдарғом педагогика ва спорт коллежиди ўқувчиларга дарс бераётган хунарианд аёл бу ерда тикувчилик ва тўқувчи-

Кўғирчоқнинг ҳикояси

боққа кўзим тушди. Қия очик эшикдан мўраладим. Вой-бў, ҳамма дугоналарим шу ерда экан-ку. Учтепа туманидаги "Қамолат гунаҳлари" номли болалар боғчасига кирдим. Худди Яхшигул опаникидек кўркам ва бежирим кўғирчоқларни кўриб, ҳайрон қолдим. Булар ўрта гуруҳ тарбиячиси Шарофат Раҳимбекованинг чиқинди буюм ва мато қийимларидан тайёрлаган ўйинчоқлари экан.

— Дўкон ва бозорларда кўрқинчли, ранг-рўйи совуқ ўйинчоқларни кўриб, кичкинтойлар туғул катталар ҳам чўчийди, — дейди мен билан суҳбатда Шарофат опа. — Айрим ота-оналар ўйламай-нетмай фарзандини кўрқитадиган ўйинчоқ сотиб олиб бераётганини кўрсам таъвишланаман. Одам қилган ишни онда қилади, дея менталитетимизга мос, содда ва, муҳими, камжар ўйинчоқларни тикайман. Биринчи бор кучукча тикканман. Қизчанинг бисотидаги ўйинчоққа қараб, андасини матодан бичдим. Ичига пахта солдим, кўзи ўрнида қора туғма. Ҳеч қанча хомашё кетмади, қизимнинг қувонганини кўрсангиз!

Андазани ҳамкасбларимдан оламан. Баъзиларини ўзим чизсам, баъзан тайёр ўйинчоққа қараб бичиш ўнғай. Онам билан сингилм тикувчи, кераксиз мато қийимлари уларда кўп. Пахта, синтифон, ватин ёки эски губка, оддий сим, картон қоғоз — мен ясаётган ўйинчоқларнинг асосий хомашёси. Сабр-тоқат, ҳафсала ва ижодкорлик хомашёдан устунроқ туради. Ёнг муҳими, кўлда ясалган ўйинчоқ бола учун безарар, қулай ва, асосийси, кўп маблаг сарфланмайди.

Хонада "Болалигини — подшолигим" номли композиция бор. Четиға бир нечта кўғирчоқ ўрнатилган чамбарак марказида рангли қоғоздан ясалган турфа гуллар. Гулзор атрофида кўл ушлашиб айла-

риндан-шакар фарзанди учун ҳеч кимда йўқ ўйинчоқни ясаб бера оларкан. Балки биринчиси унчалик ўхшамас, кейингилари худди фабрика-никидек бежирим маҳсулотга айланса, ажаб эмас.

Ўғил боланинг ўйинчоғи

Хонадонлардан бирига кирдим. Уй бекаси Зебо Хайдарова мени болалар хонасига бошлади. Қарасам, ҳамма ёқда ўйинчоқ, битта қути ям-яшил аскарларга тўла, кўларига автомат. Унинг ёнида танк, юк машинаси, пластмасса қилич ва шунга ўхшаш алламбало нарсалар. Биттасини кўлимга олиб, ёрлиғига разм солдим: "Made in China".

— Уч ўғлим бор, уларга кўпроқ қурол-ўйинчоқ олиб бермасак, жанжал қилишади, — дейди Зебо опа. — Бошқа нима ҳам олиб берамиз, дўкон ва бозорларда фақат шунақа ўйинчоқ бўлса.

Дарҳақиқат, минг марта эшитгандан бир марта кўрган афзал, деганлар. Айни пайтда қандай ўйинчоқ харидорлигини билиш мақсадида бозор атрофида жойлашган дўконлардан бирига кирдим. Ўйинчоқлар растасига ўтиб, разм солдим. Ранг-баранг қўринишда, чиройли қутиларда, тартиб билан териб қўйилган ўйинчоқларнинг фақат кўп қисми, синтифон, ватин ёки эски губка, оддий сим, картон қоғоз — мен ясаётган ўйинчоқларнинг асосий хомашёси. Сабр-тоқат, ҳафсала ва ижодкорлик хомашёдан устунроқ туради. Ёнг муҳими, кўлда ясалган ўйинчоқ бола учун безарар, қулай ва, асосийси, кўп маблаг сарфланмайди.

Хонада "Болалигини — подшолигим" номли композиция бор. Четиға бир нечта кўғирчоқ ўрнатилган чамбарак марказида рангли қоғоздан ясалган турфа гуллар. Гулзор атрофида кўл ушлашиб айла-

Мутахассис нима дейди?


Уй бекаси ва сотувчининг фикрларини эшитиб қайфиятим бузилди. Наҳотки, болаларбор бошқа овуноқ бўлмаса? Аслида, болага қандай ўйинчоқ олиб берган маъкул?

— Ўйинчоқ боланинг энг яқин дўсти ва тақлид қилувчи идеалидир, — дейди психолог Фуркат Алимбоев. — Қизим ўксимасин, дея сочи сариқ, бир сумка атир-упалари бор "Барби" кўғирчоғини олиб бериб, эртага "Нега бунча олифта, кийим-кечакака уч бўлди бу?", дея афсусланишдан фойда йўқ. Ўйинчоқ бола тарбиясининг муҳим таркибий қисми. Кенг фикрлайдиган ота-она боласининг қўлига қурол тут-қазмайди. Бугун ўйинчоқ қуролга ўрганган кўлар эртага ҳақиқийсини ушлашдан чўчимайди ва бировга ўқталишдан тап тортмайди. Турли-туман қурол-яроғ ва темир одамларни кўриб улғайган бола қаҳри қаттиқ, жиззак, жаҳлдор ва жангариликка мойил бўлади. Бугун "уруш-уруш" ўйнаётган ўғилларимизга қараб завққа тўлаимиз, истаган ўйинчоғини олиб берамиз, эртага эса жабрини ўзимиз тортамиз. Боланинг интеллектуал, ахлоқий ва эстетик дидини ривожлантирувчи ўйинчоқ олиб беришга эътибор бериш лозим. Масалан, қарточкали домино, мозаика, универсал доска, машиналар, геометрик шакллар ва "Lego" (қурилиш маҳсули) ўйинчоқлари кичкинтойлар учун ҳар жиҳатдан фойдали. Бундай ўйинчоқлар боланинг онгини ўстиради, ижодкорлик қобилияти ва кўл моторикасини ривожлантиради.

Ўйинчоқ — болажонларни эзгуликка ундовчи, бегубор қалбига яхшилик уругини қадовчи восита бўлсин! Ота-оналарнинг фарзандига ўйинчоқ совга қилишда адашмаслигини истаيمان.

Кўғирчоқнинг таассуротларини Района ХУҲАЕВА қоғозга туширди.

Асосий вақтимизни ишда ўтказиб, топириқлар, зимма-мизга юкланган кундалик ва-зифаларни бажариш чоғида оддий гигиена қоидаларига риоя қилишни унутиб қўйиш-миз атрофимиздаги микроор-ганизмларга қўл келади. Тўғри, биз кўзга кўринмас нар-салар ҳақида камроқ ўйлай-миз. Ахир микроблар тинчгина ҳаёт кечиришяпти, бизнинг уларга, уларнинг бизга зарар-имиз тегмаяпти-ку, деган ҳа-ёлга боришимиз ҳам эҳтимол-дан қол эмас. Бироқ эҳтиёт-корлик зарар қилмайди, ақидасига амал қилган ҳолда, ён-веримиздаги митти «кўшилари» ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлсак, ҳеч нарса йўқотмаймиз.



хаёлига ҳам келтирмаган жой-лардан кўним топиб, кўпаяве-ради. Азиз бекажонлар учун ана шундай жойларнинг ай-римларини келтириб ўтамиз.

ОШХОНА

Инглиз олимларининг ҳисоб-китобларига кўра, ош-хона чаногининг бир квадрат метрида ўртача 80 мингга яқин бактерия яшар экан. Микроор-ганизмлар тўлиқ ювилмаган идишдаги овқат қолдиқлари билан озиқланади. Уларни бартараф этиш учун, овқатла-ниб бўлгач, шу заҳотиёқ идиш-товокларни, чаноқ ва жўмрак-ни ювишга эринмаслик керак. Бунда кукунли ёки гелли то-залаш воситалари ёрдам бе-ради. АҚШ озиқ-овқат махсу-лотлари ва дорилар сифатини назорат қилиш бошқармаси-нинг хулосаси бўйича картош-ка, мевалар, баргли сабзавот ва кўкатлар ҳам бактерия ман-

ниш муддатига амал қилишни унутиб қўямиз. Яримтайёр мах-сулотлар, консерваларни очқ ҳолда сақлаймиз. Хом ва тай-ёр махсулотларни бир жойга қўйиб, қутилмаган «мехмон-лар» учун чинакам зиёфат уюштириб бераётганимиз ҳақида ўйламаймиз. Натижада ошқозон-ичак билан боғлиқ муаммолар, озиқ-овқатдан за-харланиш ҳолатлари вужудга келиши мумкин. Муаммонинг ечими — юқоридаги каби ҳолатларга йўл қўймаслик ва музлаткичи ҳам тез-тез тоза-лаб туришдан иборат.

КИР ЮВИШ МАШИНАСИ

Техника қулайликлари-га ҳаддан зиёд кўникиб қолган баъзи одамлар қўмнатли вақ-ти ва электр қувватини тежа-ш мақсадида кирларни 30 дақи-қалик тезкор режимда ювиш-

ТАНАДАГИ МИКРООРГАНИЗМЛАР

уларнинг фойдаси кўпроқми ёки зарари?

«МИТТИ МАХЛУҚЛАР ИШТИРОКИДАГИ «ЖАНГАРИ ФИЛЬМ»

Инсон организмда юзлаб, ҳатто минглаб микроблар яшайди. Биргина ошқозон-ичак бактерияларининг вази-ни 4 килограммга етиши мумкин экан, ва табиийки, бундай катта «кўшин» билан ҳисоблашмас-ликнинг иложи йўқ.

Инсон овқат ҳазм қилиш трактига тинимсиз тушиб тура-диган бактерияларнинг айрим-ларига унда яшаш учун қўлай шароит топган, узок давом эт-ган эволюция жараёнида ичка-ларга ўрнашиб, унинг доимий флорасини ташкил қилган.

Турган гапки, инсон орга-низмда яшаб турган бактери-ялар унга зарар етказиши эмас, асраши керак, акс ҳолда улар ўзи ўтирган шох-ни аралаётган одамга ўхшаб қоларди. Шундай қилиб, ичка-лардаги 99 фоиз микроблар — одамзотнинг беминнат ёрдамчилари ҳисобланиб, уларнинг асосийлари бўлган бифидобактерия ва бакте-риодлар умумий микдорнинг 90—98 фоизини ташкил этади. Аммо уларга ичак таёқчаси, лактобактериялар, энтерококк каби микроблар ҳамроҳлик қилиши мумкин. Бу микро-флора умумий бактериялар микдорининг 1—9 фоиздан ошмаслиги керак. Маълум шароитда бифидобактериялар-дан ташқари барча микроблар касаллик келтириб чиқариш хусусиятига эга.

Шунингдек, ичкаларда тар-киби ва микдори мунтазам ўза-риб тургани билан катта хавф туғдириши мумкин бўлган бак-териялар ҳам яшайди. Бу ста-филококклар ва турли самбу-руглардир. Соғлом инсон тана-сида уларнинг кўрсаткичи 1 фоиздан ошмаслиги лозим. Кам микдорда ва қўлай шароит-да улар фақат яхшиликка хиз-мат қилгани учун шартли-пато-ген микроблар деб аталади.

Организмининг ўзига тегиш-ли бактериялар уни ташқи ха-тарлардан асрайди. Тана аъзо-ларида яшовчи ҳар бир микро-организм ўзига яраша вазифа-ни бажаради. Дейлик, ичка-лардаги бактерияларсиз тўла-қонли ҳазм қилиш жараёнини тасаввур қилиб бўлмайди.

Ҳар биримиз болаликдан энг зарур гигиена қоидалари-

ни ўзлаштирганмиз: овқатдан аввал қўл ювиш, тирноқларни доимо олиб юриш ва ҳоказо. Бу шунчаки маданият белги-си эмас, балки ўзимизни ка-салликлардан ҳимоя қилиш усули ҳамдир. Дарҳақиқат, микроблар бизни ҳар томон-дан ўраб олган, айниқса, грип-п эпидемияси вақтида уларнинг қанчалик хавфли эканини се-замиз. Бошқа юқумли касал-ликлар ҳам инсон организм-га кир қўллар, кундалик ҳаёт-да ишлатиладиган буюмлар, қолаверса ҳаво орқали кириб боради.

Атрофимиздаги миллиард-лаб бактерия ва вирусларни кўрмаймиз, агар бир сонияга бўлсин, бизни қуршаб турган «митти махлуқ»ларни кўргани-мизда, ҳайратдан ёқа ушлаш-миш шубҳасиз. Ишонтириб ай-тамизки, бундай даҳшатни ҳатто энг кассабоп жангари фильмларда ҳам кўрмагансиз.

ТЕХНИКА БИЛАН ҲАМНАФАС

Океанотилик таниқли мик-робиолог профессор Чарлз Герб ақинда ўз тадқиқоти на-тижаларини эълон қилди. Бу-гал у одатдаги ишхоналарнинг қайси қисмида энг кўп микроб ва вируслар яшашини ўрганди. Маълум бўлишича, бу ишчи-ходимлар тахмин қилганидек, умумий ҳолатхоналар эмас, балки, компьютер клавиатура-лари, телефон гўшақлари ва қўл ювиш чаноклари экан.

Ёвуз бактериялар сони бўйича етакчиликти икки ва-ундан ортик одам фойдалана-диган клавиатура ва телефон-лар эгаллади. Агар офиснинг ҳар квадрат дуйми (1 квадрат дуйм — 25.4x25.4 мм)да ўрта-ча 20 мингга яқин микроб бўлса, юқорида саналган буюм-лар юзасида тахминан 26 минг-та «митти махлуқ» яшар экан.

Умумий ҳолатхона чанокла-рида эса илк ҳаво ва намлик-да ҳаёт кечирувчи зарарли микробларнинг бутун бошли армияси аниқланган. Бу майда зараркунандалар турли касал-ликлар, жумладан, конъюнк-тивит, ангина, бурун битиши, ичак ва тери инфекцияларини келтириб чиқариши мумкин.

Ишда инфекциядан касаллик юктириш хавфи, профессор Гербнинг фикрича, ўқитувчи-лар, дўкон ва банк ҳисобчиси ва операторлари, қолаверса, шифокорларда юқори экан.

ГАДЖЕТЛАР

Кунига юз мартабала қўли-мизга оладиган техник қурил-малар стафилококк бактери-ялари ва бошқа зарарли мик-роорганизмлар учун бошпанага айланиши мумкин. Персонал компьютер клавиатураси эса алоҳида мавзу. Статистикага кўра, бир йил мобайнида фой-даланилган клавиатуранинг вази-ни унга тушган чанглр ва овқат қолдиқлари ҳисобига 1-1,5 килограммгача оғирлаши-ши мумкин. Табиийки, бу тур-ли зарарли микроблар учун озуқа бўлиб хизмат қилади.

СМАРТФОН ВА ПЛАНШЕТЛАР


Ҳаётини смартфон ва план-шет каби мобил қурилмалар-сиз тасаввур қила олмайдиган инсонлардан эса шахсий гиги-енага янада эътиборлироқ бўлиш талаб этилади. Inpress. ua ахборот-таҳлилий портали-нинг хабар беришича, севи-м-ли гаджетларимиз экранлари айни микроорганизмлар тўп-ланадиган жой экан. Қурилма-лардан фойдаланаётганда ак-сарият кишиларнинг қўли тоза бўлмагани учун экранга бакте-риялар ўрнашиб олади.

«Which?» истеъмолчиларни ҳи-моя қилиш гуруҳи томонидан ўрганилган планшет юзаси намунасида 600га яқин тилла-рлар стафилококк бактерияси аниқланган. Шунингдек, 30та планшетнинг саккизтасидан ва 30та смартфоннинг еттитаси-дан олинган намуналарда мингдан ортик энтеробактерия топилган. Айтиш мумкинки, мазкур тадқиқот гаджетлардан меъёрида ва тўғри фойдала-ниш учун яна бир сабаб бўлди.

Микроблар хавф туғдиради-ган даражада кўпайиб кетмас-лиги учун телефон гўшақлари, симчончалар ва экранларни нам сапфеткалар билан артиш, клавиатурани эса камида бир ойда бир мартабала яхшилаб тозалаш туриш керак. Компью-тер қаршиида овқат емаслик ва ишлаш олдидан қўлларни ювиш тавсия этилади.

УЙДАГИ КЎЗДАН ПАНА ЖОЙЛАР

Рисоладаги уй бекалари ҳолатхона ва уйга кирвериш-да ҳонани гигиеник жиҳат-дан энг хавфли деб билиша-ди. Лекин аслида айёр микроб ва бактериялар ҳеч қани ҳатто



баига айланиши мумкин. Шу-нинг учун юқорида санаб ўтил-ганлардан бирортасини тахта-чада майдаласангиз, у ерда микроблар қолиб кетишини унутманг.

ТИШ ЧЎТКАСИ

Биласизми, оғиз шиллиқ қаватининг бир квадрат мил-лиметрида 100 миллионга яқин микроб яшаркан. Тиш тозала-ганимизда тиш чўткаси бакте-риялар тўпланиши ва кўпайи-ши учун қўлай жойга айлана-ди. Улардан ҳимояланиш учун эса тишни тозалайдиган сўнг чўткани илиқ сув билан ювиб, махсус стаканга солиб қури-тинг.

ВАННАХОНА

Бостондаги Симмонс колле-жи (АҚШ) гигиена маркази олимлари бир неча минглаб ваннахонада қузатув ишларини олиб бориб, уларнинг тахми-нан тўртдан бирида тилларанг стафилококк бактерияларини аниқлашди. Микроорганизмлар асосан ваннахона бурчаклари, плитка тирқишлари, шифтлар-нинг туташган жойлари ва кам тозаланадиган, нам ерлардан бошпана топади.

Бу микроблар инсон сало-матлигига хавф туғдирмаслиги учун ваннахонани дезинфек-цияловчи воситалар билан хаф-тада бир марта тозалаш ва до-имий равишда шамоллатиб ту-риш керак. Агар имкони бўлса, ҳаво сўрувчи қуруврга чироқ ёқилганда автоматик равишда ишлайдиган кичик вентилятор ўрнатиш мақсадга мувофиқ. Энг осонроқ йўли — ваннахо-на эшигини очиб қўйиш.

МУЗЛАТКИЧ

Озиқ-овқат махсулотларини анча вақтгача истеъмолга яроқ-ли ҳолатда сақлашга ёрдам берувчи бу қурилмага ҳаддан ташқари ишониб, баъзан сут, гўшт махсулотларининг сақла-

га ва кўп ҳолларда кийим-ке-чақларни дазмоллашдан ҳам воз кечишга одатланишган. Бироқ бу тезкорлик оқибати-да кийимлардаги микроблар-нинг жон сақлашига шароит яратиб бериш мумкин.

Эшик тутқичлари ва лифт тугмаларида айримларнинг фикридан фарқли равишда, микроблар у қадар кўп тўплан-майди. Эҳтимол бу тугмалар-нинг вертикал юзали эканли-ги ва кам чанг тўпланиши ту-файлидир. Бундан ташқари, эшик тутқичлари кўпинча қуруқ бўлади, микробларнинг озиқ-ланиши ва кўпайиши учун эса кир ва нам жойлар керак.

Инсоннинг шахсий гигиена билан боғлиқ одатлари бола-лиқда шаклланади. Бироқ ота-оналарнинг гигиена ҳақидаги фикри ҳам турлича. Масалан, баъзилар фарзандини ҳаддан ташқари озодалликка ўргатса, бошқалари, аксинча, тозалик-ка унчалик аҳамият бермайди. Аммо тозаликка риоя қилмас-лик ҳам, меъёридан ортик озо-далликка берилиш ҳам соғлиқ учун бирдек зарарли. Қўллар-ни тинимсиз ювиш, таркиби-да микробларга қарши қў-шимчалар мавжуд совун ва шампулардан меъёридан ор-тик фойдаланиш инсонни за-ифлаштириб қўяди. Яъни, кимёвий тасирлар «тинчлик-севар» микроблар сонини ка-майитириб юборади ва улар-нинг ўрнини зарарли бакте-риялар эгаллади.

Аслида эса ҳаммаси жуда оддий: хавфсизлик учун «ол-тин ўрталик» қоидаларига риоя қилиш kifof. Овқатланиш ва овқат тайёрлашдан олдин ёки кўчадан уйга кирганда қўл ювишни унутмасак бас, ҳам-маси жой-жойига тушади. Ях-шилик ёмонлик устидан, фой-дали микроблар зарарли мик-роблар устидан галаба қозона-веради.

Висола ҚАРШИБОВА тайёрлади.

2014-yil 25-oktabr, № 86 (8735)

ПАРАОСИЁ ЎЙИНЛАРИ ЯКУНЛАНДИ

Вакилларимиз тарихий ғалабаларни қўлга киритишди

Спорт билан шуғулланган инсон саломатлигини мустаҳкамлаш ва мусобақаларда иштирок этиб, муайян ютуқларга эришишдан ташқари, руҳий ҳолатини яхшилаш, иродасини тоблаб, ўзини юксак марралар сари олға бошлаш ҳислатларига ҳам эга бўлади. Тақдирнинг мураккаб синоваларида ўзини йўқотмай, ўшқин ҳаёт ҳароратини сақлаб қолган имконияти чекланган ҳамюртларимизнинг аксарияти айнан спорт завқу шавқи, шодлиғу ташвишлари билан яшайди.

Жумладан, Жанубий Кореянинг Инчон шаҳрида якунига етган Параосиё ўйинларида ҳам бунга бир неча мартаба гувоҳ бўлдик. Эътиборлиси, мазкур мусобақаларда иштирок этиб, том маънода жасорат намуналарини кўрсатган, халқаро майдонда юртимиз шавқи ва обрўсини муносиб ҳимоя қилиб, бир неча мартаба шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган вакилларимиз тарихий натижани қўлга киритишди. Ўттиз нафарга яқин ҳамюртимиз қитъамизнинг қирқдан зиёд мамлакатидан келган юзлаб ҳамкасблари орасида 22та олтин, 5та кумуш ва 4та бронза, жами 31та медаль жамғариб, умумжамоа ҳисобида кучли бешликдан ўрин олди. Ваҳоланки, паралимпиячиларимиз бундан тўрт йил аввал Гуанчжоуда кечган Параосиё ўйинларидан 1 олтин, 2 кумуш ва 3 бронза медаль билан қайтишганди.

Албатта, бундай қисқа вақт ичида вазиятнинг бутунлай

ижобий томонга ўзгариши, иктидорли ампутантларимизнинг кашф этилиши ва нуфузли мусобақаларда фаоллашувидан мамлакатимизда улар учун яратилган шарт-шароит муҳим аҳамият касб этмоқда. Президентимиз Ислам Каримов томонидан юртимизда спортга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб, навқирон ўғил-қизларимиз орасидан чемпионларнинг янги авлодини камолга етказиш йўлида қилинаётган оламшумул ишлар, беқиёс бунёдкорликлар, шунингдек, 2016 йили Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтадиган навбатдаги Олимпиадада муносиб тайёргарлик қириш масалаларига оид чора-тадбирлар паралимпиячиларимизни ҳам илҳомлантирмоқда, янги марралар томон чорламоқда.

Улар ниятда мураккаб қурашларда, оғир руҳий қарама-қаршиликларда чидам ва саботини тоблаб, ҳеч кимдан кам

эмаслигини исботлашди. Айниқса, маънавий жиҳатдан тўрт мучаси соғлом кишиларга ҳам ўрناк ва ибрат бўлиб, она Ватанимиз байроғини бир неча бор юксакларда ҳилпиратдилар.

Айтиш кераки, спортчиларимиз энгил атлетика, сузиш ва дзюдо баҳсларида, айниқса, фаоллик кўрсатишди. Хусусан, энгил атлетика бўйича 4х100 метрга эстафетали югуриш бўйича ўтган мусобақада юртдошларимиз Миран Саҳадов, Дониёр Солиев, Улуғбек Чориев ва Фаҳриддин Ҳамроев қаврети энг юксак натижага (44:25 сония) эришиб, умумжамоа газнасига Параосиё ўйинларидаги 21-олтин медални ҳада этганди. Медаллар тўплаш борасида делегациямиз билан рақобатлашаётган тайландлик атлетлар кумуш, индонезияликлар эса бронза медал билан қифолланишди.

Кеча тонгги мусобақаларда Фаҳриддин Ҳамроев 400 метр масофага югуриш борасида ҳам

тенгсиз эканини намоён этди. У марра чизигини 50,19 сонияда кесиб ўтиб, ўзининг тўртинчи, жамоасининг саккинчи, делегациямизнинг эса 22-олтин медалини қўлга киритди. Хабарингиз бўлса, у 200 ва 800 метрларга югуриш ботида ҳам 1-ўринни олганди.

Қувонарли томони шуки, Осиёда хали бирорта имконияти чекланган спортчи 400 метрни 50,19 сонияда «тиз қўтирмаган» экан. Шу боис ҳамюртимиз қайд этган натижа қитъамиз рекорди сифатида эътироф этилди.

Бу борада 2-ўринни ҳам вакилларимиз ўзидан бегона қилишни истамди. Тажрибали спортчимиз Миран Саҳадов 55,4 сониялик кўрсаткич билан кумуш медалга сазовор бўлди. У бунга қадар 4х100 метр ва 200 метр масофага югуриш баҳсларида биттадан олтин ва кумуш медални қўлга киритганди. 800 метрга югуриш баҳсида эса Сирожиiddин Норов

бронза медаль соҳибига айлан-ди. У 1500 метр масофага югуриш бўйича кечган мусобақада ҳам ўзинчи ўринни эгаллаганди. Шу зайл, энгил атлетикачиларимизнинг ўзлари йиққан медаллари сони 15тага етди: 8 олтин, 4 кумуш ва 3 бронза.

Юқорида айтганимиздек, сузиш кимўзарларида ҳам спортчиларимиз илгор бўлишди. Кирилл Паньков тўртта, Дмитрий Хорлин учта олтин медални қўлга киритганининг ўзиёқ фикримизни тасдиқлайди, албатта. Худди келишиб олишгандек, дзюдочиларимиз ҳам 7та олтин медаль соҳиб бўлди. Қолаверса, полвонларимиз ҳисобида яна биттадан кумуш ва бронза медаллар ҳам бор.

Шундай қилиб, қарийб бир ҳафта давом этган Параосиё ўйинлари ҳам нияҳосига етди. Спортчиларимиз мазкур синовдан муваффақиятли ўтиб, юртимизга ёруғ юз билан қайтадиган бўлди. 2018 йили Индонезия пойтахти Жакарта шаҳрида ўтадиган галдаги Параосиё ўйинларида вакилларимиз бундан-да яхши натижага эришиб, ғалабаларимиз бардавмиллигини таъминлашига ишонамиз.

Зоҳиджон ХОЛОВ

МУСИҚИЙ ТЕРАПИЯ
БОЛАЛАРДА ДЕПРЕССИЯНИ
КАМАЙТИРАДИ

Белфастдаги Қироллик университети (Шимолий Ирландия) олимлари музикавий даволаш болалар ва ўсмирларнинг эмоционал муаммолардан халос бўлишига ёрдам беришини аниқлашди.

Уч йиллик кузатувлар жараёнида руҳий, жисмоний ҳолати ва ҳулқ-атворида муаммолар мавжуд бўлган 251 нафар гўдак ва ўсмир икки гуруҳга ажратилиб, уларнинг 128 нафари одатий даволаш курсларига қўшимча тарзда музикавий терапияга ҳам жалб этилди.

Маълум бўлишича, музика болалар ва ўсмирлардаги ўзига бўлган ишончни ошириш, депрессия аломатларидан сезиларли даражада халос бўлишга хизмат қилади. Музикасиз даволанган болаларда эса бу каби ижобий ўзгаришлар

деярли қайд этилмаган.

Қироллик университети профессори Сэм Портернинг таъкидлашича, мазкур тадқиқот иши болалар ва ўсмирлардаги руҳий ҳамада ахлоқий муаммоларни бар-тароф этиш соҳасида муҳим аҳамият касб этади. Даволаш ишларида музикавий терапия ҳам асосий ўринда тилга олиними лозим.

ИЛК БОР ҲОКИНГ НУРЛАНИШИ
ҚАЙД ЭТИЛДИ

Исроил технология институти физики Жефф Штайнхауэр лаборатория шароитида Ҳокинг нурланишини қайд этиш усулини ўйлаб топди.

Елнингизда бўлса, яқинда газетамизда қора туйнуқлар ҳақида мақола эълон қилинган эди. Унда Эйнштейннинг нисбийлик назариясига кўра, қора туйнуқ чегараси бўлиш ҳодисалар горизонтини бирор жисм, ҳаттоки ёруғлик ҳам тарқ эта олмаслиги таъкидлаб ўтилган. Шунингдек, туйнуқлар табиати, унинг бориқ билан алоқаларини назарий жиҳатдан талқиқ этган та-ниқли олим Стивен Ҳокингнинг қора туйнуқлар чегарасини доимий равишда тарқ этувчи зарраларни ифода этувчи Ҳокинг нурланиши ҳақидаги маълумотлар ҳам ўрин олган эди. Айнан мазкур ҳодиса сабаб квант механикаси соҳасида қора туйнуқларнинг мав-жудлигини илмий жиҳатдан ҳам исботлашга асос бор.

Ҳокинг нурланиши квант назарияси таъйинларига асосланган: қисқа муддат ичида энергиянинг йирик тебраниши содир бўлади. Бу эса космик вакуумнинг ўзаро тўқнашиб, бир зумда ғойиб бўлувчи зарра ва антизарралар билан тўлишига олиб келади. Бироқ қора туйнуқларнинг ҳодисалар горизонтини зарралар тўқна-шуви содир бўлмайди. Чунки қора туйнуқ яқинидаги зарра унинг ичига кириб кетса, ҳодисалар горизонтинида юқорида тургани эса, ўз-ўзидан маълумки, кон-нот сари равона бўлади (оқ туйнуқ).

Штайнхауэр ўз ҳамкасблари билан лаборатория шароитида илк бор қора туйнуқ моделини ишлаб чиқш ва Ҳокинг нурланишини пайдо қилиш учун ру-бийид атомларидан иборат бўлган фойдаланди. Бу атомлар абсолют ноль да-ражанинг (физикада 273,160 Сга тенг ҳарорат) миллиарддан бир уллушига қадар музлатилди. Бундай ҳароратда атомлар ўзини ягона суяқ квант объекти сифа-тида намоён этиб, осонгина бошқарилади. Паст даража, шунингдек, Бозе-Эйнштейн конденсати номи билан ма-шхур суяқликда квант тебранишлар (флуктуация) на-тижасида ҳосил бўладиган товуш тўлқинларининг мут-лақо шовқинсиз муҳитда таралишини таъминлайди. Олимлар лазер нурлари ёрдамида суяқ рубидий атом-ларидан иборат суяқ булутини товушдан юқориқоқ тез-ликда ҳаракатлантиришди. Конденсат эса қора туйнуқ-нинг ҳодисалар горизонти вазифасини бажарди. Лабо-ратория вакуумида пайдо бўлиб, йўқолиб турган товуш тўлқинлари жуфти зарра-антизарра, ушбу овозли горизонтдан ташқарида жойлашган ва уни тарқ этаётган тўлқинлар эса айнан Ҳокинг нурланиши сифатида қайд этилди.

ЭШИТИШ ҚОБИЛИЯТИ ҚАЙТА
ТИКЛАНИШИ МУМКИН

Тури сабабларга кўра эшитиш қобилиятини маҳрум бўлганлар учун умид ба-ғишловчи тадқиқот муваффақиятли тарзда якунланди. Гап шундаки, бир гуруҳ олимлар янги технология асосида эшитишдан маҳрум бўлган лаборатория сич-қонига товушларни ҳис этиш қобилиятини қайтартиришди.

Маълумки, товуш тўлқинлари қулоғимизга этиб келар экан, улар сочсимон ҳужайралар деб аталувчи махсус товуш рецепторлари билан алоқага киришади. Бу рецепторлар эса товушни ўзига хос асаб сигналга айлантириб, бош миёга етқа-зади. Янада аниқроғи, сочсимон ҳужайралар қулоқ чиганоқчасидаги суяқликни тебратётган товуш тўлқинларини электр сигналларга айлантириб, асаб тоналари орқали бош миёга етказилишини таъминлайди. Агарда мазкур сезиш аъзоси таш-қик жароҳат ёки кексايш ҳисобига шикастланса, одам яхши эшита олмай қола-ди ёки буткул ушбу қобилиятдан маҳрум бўлади.

АҚШдаги Мичиган ва Гарвард университет-лари олимлари ҳамкорлигида ўтказилган тад-қиқот жараёнида даставвал жуда баланд товуш орқали сичқондаги сочсимон ҳужайра ва ней-ронлар ўртасида алоқа боғлаб турувчи синапс-ларга шикаст етказилди. Шундан сўнг даволаш мақсадида генларнинг рекомбинацияси услуби-дан фойдаланилди. Махсус дори воситалари ёрдамида ички қулоқ соҳасида танланган ҳужай-ралардаги алоҳида генлар фаоллаштирилди. На-тижада ушбу генлар NT3 (Neurotrophin-3) деб номланган протенини кўпроқ миқдорда ишлаб чиқара бошладилар. Протени эса синапслар яшав-чанлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Икки ҳафтадан сўнг олимлар сичқонларда эшитиш қобилияти қисман тикла-нанини қайд этишди.

Санжар РУСТАМОВ тайёрлади.

Чилонзор туман халқ таълими му-ассасалари фаолиятини методик таъ-минлаш ва ташкил этиш бўлими ҳамда Таълим, фан ва маданият хо-димлари касбаб уюшмаси Чилонзор туман кенгаши 407-мактабга таъ-лим муассасасининг мудираси в.в.б. Дилобар Набиевага отаси

Шарофуддин НУРИДДИНОВнинг вафоти муносабати билан ҳамдард-лик билдиради.

Чилонзор туман халқ таълими му-ассасалари фаолиятини методик таъ-минлаш ва ташкил этиш бўлими ҳамда Таълим, фан ва маданият хо-димлари касбаб уюшмаси Чилонзор туман кенгаши 407-мактабга таъ-лим муассасасининг мудираси в.в.б. Дилобар Набиевага онаси

Турсуной НУРИДДИНОВнинг вафоти муносабати билан ҳамдард-лик билдиради.



МУРАББИЙ, УСТОЗ

Elda aziz

Сермазмун ҳаётининг қарийб олтимиш йилини мамлакатимизда чет тилини ўқитиш илми ва амалиёти ривожига бағишлаган олим Жамол Жалоловни нафақат республикамиз, балки хорижлик минглаб педагоглар ҳам ўзлари учун муаллим, мураббий ва устоз санайди. У бир қатор олий таълим муассасаларидаги сермахсул фаолияти давомида кўплаб йигит-қизларга, ҳаттоки кўшни давлат, қардош халқлар фарзандларига сабоқ берди, ўқитувчилик касби сир-асрорларини ўргатди.

Жамол Жалолов Тошкент давлат чет тиллар педагогика институтини (ҳозирги ЎзДЖТУ) имтиёзли диплом билан тамомлаб, сўнгра Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида кичик илмий ходим, лаборатория ва сектор мудири, илмий котиб лавозимларида ишлади. Кейинчалик ТДЧТПИ ва Низомий номидаги ТДПУ «Чет тиллар ўқитиш методикаси» ҳамда «Инглиз тили назарияси ва ўқитиш методикаси» кафедраси мудири сифатида фаолият кўрсатди. «Ўзбек мактабларида инглизча талаффузини ўргатиш» мавзусидаги номзодлик диссертациясини ёқлади.

Ўзлаб илмий, илмий-методик ишлар муаллифи бўлган устоз нафақат чет тили, балки она тили ҳамда иккинчи тил ўқитишнинг долзарб муаммоларига бағишланган илмий ишлари билан ҳам илм аҳли назарига тушди.

Ўқув адабиётлари яратиш билан боғлиқ унумли фаолиятини ўрта мактабнинг 5-синфи учун «Инглиз тили» дарслиги муаллифи сифатида бошлаган Ж. Жалолов бугунга қадар узлуксиз таълим тизими учун 50дан ортиқ дарслик ва қўлланмалар яратди. Шу ўринда олим инглиз тилидан ташқари немис тилини ўқитиш методикасига ҳам муносиб

ҳисса қўшганини алоҳида таъкидлашни истардик. Унинг ҳаммуаллифлигида яратилган «Deutsch 5» (2007) ўқитувчилар учун методик қўлланмаси фикримизнинг ёрқин далилидир.

Чинакам ўқитувчи, чет тиллар ўқитиш методикаси, лингводидактика соҳаси мутахассиси бўлишни истаган талаба борки, устознинг суҳбатидан баҳраманд бўлишга ошиқади. Унинг ҳар бир маслаҳати юксак қадрлаб, устозга яқин юришга ҳаракат қилади. Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей ўқитувчилари, университетда фаолият олиб бораётган ёш ҳамкасблар ўзлари дуч келган муаммолар ечимини топишда устоз билан бамаслаҳат иш юритишади.

Жамол Жалолов узоқ йиллар ҳалол меҳнати билан ҳамкасблари, яқинлари ва эл эътиборига тушди. Президентимиз фармони билан берилган «Ўзбекистон Республикасида

хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» (1999) фахрий унвонини устоз заҳматли меҳнатининг энг юксак эътирофи деб билади.

Очиғи, ушбу мақолани тайёрлаш асосида Навоий, Машраб, Ғузулий, Бобур, Оғахий ғазалларини, уларга ёзилган кўшиқларни ёқтириши, яна инглиз, ўзбек, рус, тожик, немис тилларида китоб мутлола қилиш, ижодкор ва донишмандлар билан ширин суҳбатлар қуриш жону дили эканини билиб олди.

Устоз билан суҳбатлашиш асосида мулоқотимиз бир неча бор бўлинди. Домла маслаҳат сўраб келган шогирдларини куттиришни истамади... Узоқ йиллик таълим заҳмати унинг ёш тадқиқотчиларнинг дастлабки ютуқларига берган юқори баҳоси, уларга ҳамиша хайрихоҳлиги бизни, айниқса, лол қолдирди...

Фарит ЮЗЛИКАЕВ,
Низомий номидаги ТДПУ
профессори,
Алишер МИРАЗИЗОВ,
университет катта ўқитувчиси

ШОГИРДЛАРИ КАМОЛИДАН МАМНУН МУАЛЛИМА

Инсон ҳаёти давомида ортга боқиб, умр йўлларига назар ташлаганда мамнунлиқни ҳис қилишининг ўзидек кишига ажиб завқ беради. Аслида, инсон учун бундан-да олий бахт бўлмаса керак!

Улуғ ёшни қаршилаган тажрибали педагог Гулчехра Латипова кечаги кунларини ёдга олarkan, беихтиёр юзига табассум югуради: ёш авлодга муносиб тарбия бериш иштиёқи билан ўтган дамлари, айрим ўқувчиларининг беозор шўхликларини, илмга чанқок болажонларнинг китоб таллашиш асосидаги ўқарликларини эслади. Қарийб ўттиз йиллик педагогик фаолияти давомида Каттакўрғон тумани ва шаҳридаги бир қатор умумтаълим мактабларида ёш авлодга физика ва математика фанларидан сабоқ берди. Ҳаёти ибрат, фаолияти ўрнатқуч муаллима ўқувчиларга нафақат билим берди, балки улар қалбига инсонийликни ҳам жо этиб борди. Бугун унинг қўлида таълим олган ёшларнинг кўпчилиги ўзида меҳнатсеварлик, янгиликка интилувчанлик, самимийлик, эл қорига ярашдек фазилатларни жам этган ҳолда турли жаҳаларда фаолият юритиб келмоқда.

Ehtirom

— Шогирдлар камolini кўриш ҳар бир ўқитувчига чексиз бахт инъом этади, — дейди муаллима. — Бундай бахт меҳнатнинг зое кетмаганидан дарак беради. Таълим тизимида меҳнат қилаётган шогирдларим тириш-қоклиги, билим олишга иштиёқи баландлиги туфайли юксак ютуқларга эришиб келаётгани билан кўплаб ҳамкасбларим қатори менинг ҳам юзимни ёруғ қилди. Бугун набираларим кўршовида ҳар тонгни шукроналик билан қарши оламан. Бизнинг давримизда ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашга бугунгидек эътибор қаратилмас, билим олиш учун бундай шароит ва имкониятлар йўқ эди. Бугун фидойилик билан ёниб ишлайдиган, билим оладиган замон келди!

Турмуш ўртоғи, фарзандлари, набиралари ардоғида бўлган Гулчехра Латипова ўзи ишлаган таълим масканларига бориб, шогирдлари, ёш ўқитувчилар билан педагогик тажрибаларини алмашишни, соҳага оид маслаҳатларини ўртоқлашишни қанда қилмайди.

Исматилло УМАРОВ,
Ўзбекистон журналистлари
ижодий уюшмаси аъзоси

ҲАМИША БАРҲАЁТ

Чин устоз шогирдлари камolini йўлидаги машаққатлардан ҳузур-ҳаловат топади. Меҳнатлари маҳсулини кўрар экан, яшариб боради. Бир неча ўн йиллар мобайнида Жондор туманида фаолият кўрсатган Шариф Рустамов ҳам шогирдларининг меҳрини қозонган суюкли устозлардан эди.

Шариф Рустамов мактабда директор ўринбосари, директор лавозимларида ишлаб, таълим бошқаруви сирларини эгаллади. Сидқидилдан қилинган меҳнатларидан сўнг Жондор туманидаги таълим муассасалари фаолиятига етакчилик қила бошлар экан, ҳар бир мактабда намунавий фан хоналари ташкил қилишни йўлга қўйди. Мактаблараро турли танловлар ўтказилар, жонқуяр муаллимларнинг иш тажрибаси туман ва вилоят миқёсида оммалаштирилди. Ўз вақтида кўрсатилган рағбат ва қўллаб-қувватлашлар тез фурсатда самара берди: жондорлик ўқувчилар фан олимпиадаларида фахрли ўринларни

эгаллашга натижа берди. Сидқидилдан қилинган меҳнатларидан сўнг Жондор туманидаги таълим муассасалари фаолиятига етакчилик қила бошлар экан, ҳар бир мактабда намунавий фан хоналари ташкил қилишни йўлга қўйди. Мактаблараро турли танловлар ўтказилар, жонқуяр муаллимларнинг иш тажрибаси туман ва вилоят миқёсида оммалаштирилди. Ўз вақтида кўрсатилган рағбат ва қўллаб-қувватлашлар тез фурсатда самара берди: жондорлик ўқувчилар фан олимпиадаларида фахрли ўринларни



Шариф Рустамов

Мураббий эндигина кўртаяқ бўлиб, бўй чўза бошлаган мурғак қалбларга мулоимлик ва самимийлик билан илм шарбатини ҳадя этади. Бу шарбат вақти келиб ўз мевасини берганда ўқитувчининг ўша бўй-баста қайта тиклангудек, ўқувчиси ютуғи билан бағри мустаҳкам қояга айлангандек бўлади.

— Ҳаётимда қандай утқуқа эришган бўлсам, барчасида падари бузрукворим, биринчи устозим раҳматли отамнинг

Yodnoma

муносиб хизматлари бор. «Ҳаётда ўрин топмоқ учун дилингда шижоат, ғурур бўлмоғи зарур. Йўқса, барча уринишларинг зое кетиши муқаррар», дея кўп такрорлардилар. Отамнинг панду насихатларига амал қилиб, касбимга меҳр қўйиб ишлаб келаётганимдан мамнунман, — дейди сулоланнинг тўнғич вакили, изланувчан педагог Ҳакимжон Рустамов.

Шариф ака Рустамовнинг эслашга молик, қадрлашга арзигулик фазилат ва хислатлари бисёр. Жондорликлар у кишининг Ушот қишлоғида янги мактаб биноси қурилишида, туман марказидаги 2 та академик лицей фаолиятининг йўлга қўйилиши, ўнлаб илм масканларининг компьютерлаштирилиши, спорт комплексларининг барпо этилишидаги саъй-ҳаракатларини сира унутмайди.

Усмон НАВРЎЗ

Халқимиз устозлиқни юксак рутба, улуғвор унвон сифатида улуғлайди. Уларнинг маънавий жиҳатларини ёш авлодга намуна, ибрат қилиб кўрсатади. Ёши улуғларнинг «Таълим берган устозингдан айрилма» дея таъкидлашлари бежиз эмаслигига ҳаётим давомида кўп бор амин бўлганман.

УЛУҒВОР УНВОН

Dil izhori

Олий таълим муассасасини биттиришим билан оқ мени (1957 йили) ЎзФА Тарих-археология институти аспирантурасига ўқишга юборишди. У ерда ўз касбининг фидойиси, институт тарих бўлими мудири Раҳима Аминовани шогирд тушдим. Ўқиш йиллари опанинг маънавий улуғворлиги, олимлик салоҳиятига кўп бор қўйил қолганман. Гап шундаки, олти нафар шогирди бўла туриб раъйимни қайтармади. Номзодлик диссертациям мавзуси бўйича қатор маслаҳатлар берди ва режа тузишга ёрдамлашди. Мен ҳам ўз навбатида Раҳима опа берган вазифаларини тез ва соз бажариш пайида бўлдим.

Илм ўрганиш жараёнида устозимнинг сўзга чечанлиги, ўзбекона удумларга риоя қилиши, кийиниш маданияти, нотиклиги мени, тенгдошларимни ҳайратга соларди. Хоҳ аудитория машғулот, хоҳ йиғилишларда бўлсин, у киши қозога қарамасдан гапирарди. Ўртимиз ва чет мамлакатларда ўтказилган халқаро симпозиум ва конференциялардаги илмий маърузалари ҳам қизиқиш билан тингланарди. Бу биз шогирдлар учун ибрат мактаби вазифасини ўтар, фан сирлари ва нотиклик санъатини ўзлаштиришга ҳаракат қилардик. Бир гал бажарган ишларимни кўрсатиш учун устозимнинг уйига боришга тўғри келди. Шу кун илмий раҳбарим Раҳима Аминованинг умр йўлдоши физик олим, академик Содик Азимов эканини билдим. Уларнинг чиройли муомаласи, бир-бирларига мулозаматларини кўриб, устозимга ҳурматим янада ошди...

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон ФА академиги Р.Аминова тиниб-тинчимас, жонқуяр инсон, ажойиб нотик, эзгу фазилатлар соҳиби, меҳрибон она, ғамхўр устоз эди. Ҳозирги кунда тарих фани ва таълим-тарбия ривожига ҳисса қўшган олима Р.Аминованинг фарзандлари, набиралари турли жаҳаларда фидокорона фаолият юритишяпти, муҳими, устозлик рутбасининг муносиб давомчилари бўлишга ҳаракат қилишяпти.

Абдурашид НОРМУҲАМЕДОВ,
меҳнат фахрийси

2014-yil 25-oktabr, № 86 (8735)

ТАНЛОВГА ТАКЛИФ

Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дас-тури ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги "Олий таълим муассасаларининг моддий-техник ба-засини мустақамлаш ва юқори малакали мутахассислар тай-ёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПҚ-1533-сонли қарорида белгиланган вазифалар ижроси-ни таъминлаш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазир-лиги олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг ян-гиланган классификаторига ҳамда такомиллаштирилган дав-лат таълим стандартлари, ўқув режалари ва намунавий фан дас-турлари асосида дарсликлари (ўзбек ва рус тилларида) яра-тиш бўйича муаллиф(лар) таркибини танлаб олиш учун танлов эълон қилади.

Танловда олий таълим муассасалари учун ўқув адабиётла-

рини яратиш тажрибасига эга, фан йўналиши бўйича юқори малакали мутахассис-олимлар, профессор-ўқитувчилар, илмий тадқиқотчилар ҳамда кадрлар салоҳиятига эга илмий тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг етук ходимлари қатнашиши мумкин.

Дарслик — давлат таълим стандартида белгиланган асосий ўқув материални қамраб олиши, билимларни талабалар то-монидан мустақил ўзлаштирилиши, уларда қўнимка ва малака-ларни шакллантириш, керакли ўқув материални мустақил из-лаб топиш, амалий фаолиятда қўлланиш ўргатиш ҳамда ижод-дий қобилиятларни ривожлантиришга йўналтирилган бўлиши керак.

Дарсликда назарий маълумотлардан ташқари, амалий-таж-риба ва синов машқлари бўйича зарур кўрсатмалар берилди.

Муаллиф(лар) таянч олий таълим муассасалари (ОТМ) томо-нидан олий таълим йўналишларининг давлат таълим стандар-тлари, ўқув режалари ва намунавий фан дас-турлари билан таъ-минланди ҳамда дарсликларга қўйиладиган талаблар ва тамо-диллар билан таништирилди.

Танловда иштирок этиш истагини билдирган муаллиф(лар) яратилиши зарур бўлган дарслик концепциясини 0,5 босма та-боқчада, дарсликнинг режа-проспекти (бўлимлар ва мавзулар мазмунининг тەзисли баёни, 1 босма табоқча), битта бобнинг намуна матнини Олий ва ўрта махсус, касб-хўна таълимини ривожлантириш марказига эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддатда топширади.

Танловда қатнашиш истагини билдирган барча иштирокчи-лар қуйидаги манзилдан танловга тегишли қўшимча маълумот-ларни олишлари мумкин: Олий ва ўрта махсус, касб-хўна таъ-лимини ривожлантириш маркази. Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз қўчаси, 42-уй. Телефонлар: (0-371) 233-34-20; 233-34-22.

Танловга қўйиладиган дарсликлар киритилган:

№	Таълим йўналишлари коди ва номи	Ўқув режадаги фанларнинг номи	Маъру-зага ажра-тилган соат	Тақдим этган ОТМ номи
100 000 — Гуманитар соҳа бўйича				
1.	5111600-Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими	Ҳуқуқий тарбия назарияси ва амалиёти	96	ТДПУ
2.	5111600-Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими	Ҳуқуқ соҳалари	304	ТДПУ
3.	5111600-Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими	Дунё динлари тарихи	38	ТДПУ
4.	5111900-Дефектология	Мақтабага логопедия	158	ТДПУ
5.	5111900-Дефектология	Мақтабага сурдопедагогика	158	ТДПУ
6.	5110400-Биология ўқитиш методикаси	Экология ва табииати муҳофазаси қилиш	30	ТДПУ
7.	5110800-Геология	Тарихий геология	26	ЎзМУ
8.	5141100-Гидрология (сув омборларида)	Сув омборлари гидрологияси	74	ТИМИ
9.	5120300-Тарих (мусулмон мамлакатлари бўйича)	Мусулмон мамлакатлари тарихи	82	ТИУ
10.	5150900-Дизайн (костюм)	Фэшн менеджмент ва маркетинг	24	ТТЕСИ
11.	5150900-Дизайн (костюм)	Табийи фанларнинг замонавий концепцияси	36	ТТЕСИ
12.	5111000-Касб таълими (5330200-Информатика ва ахборот техноло-гиялари (иктисодий)	Методика профессионального образования (Касбий таълим методикаси)	44	ТДИУ
13.	5151600-Халқ ижодиёти (Чолгу жамоаларига раҳбарлик)	Махсус чолгу	282	ЎзДСМИ
14.	5151600-Халқ ижодиёти (Чолгу жамоаларига раҳбарлик)	Музыка асарлари таҳлили	108	ЎзДСМИ
15.	5151600-Халқ ижодиёти (Фольклор-этнографик жамоаларига раҳбарлик)	Ўзбекистон номоддий маданий мероси	82	ЎзДСМИ
16.	5150700-Чолгу ижрочилиги (эстрада чолгулари)	Чолгулаштириш ва аранжировка асослари	152	ЎзДК
17.	5150700-Чолгу ижрочилиги (эстрада чолгулари)	Эстрада чолгулари ижрочилиги	474	ЎзДК
200 000 — Иқтисодий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ соҳаси бўйича				
18.	5230800-Солиқлар ва солиққа тортиш	Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисоби	38	Солиқ акад.
19.	5230800-Солиқлар ва солиққа тортиш	Сугурта иши	56	Солиқ акад.
20.	5230100-Иқтисодий (макроиқтисодий)	Макроиқтисодий	78	ТДИУ
21.	5230100-Иқтисодий (иктисодий соҳа)	Иқтисодий соҳа иқтисодиёти	76	ТДИУ
22.	5231400-Статистика (иктисодий)	Миллий ҳисоблар тизими	86	ТДИУ
23.	5231600-Меҳнат, иқтисодиёти ва социология	Аҳолининг иқтисодий муҳофазаси қилиш	38	ТДИУ
24.	5231700-Кадрлар менежменти	Персонал аудити ва назорати	88	ТДИУ
25.	Барча йўналишлар учун (бухгалтерия ҳисоби ва аудит йўналишидан ташқари)	Иқтисодий таҳлил ва аудит	38	ТДИУ
26.	54220102-Халқаро журналистика	Ахборот жамияти, менталитет ва медиа таълим асослари	70	ЎзДЖТУ
27.	5220100-Журналистика	Аудиовизуал журналистика	62	ЎзДЖТУ
28.	5230400-Маркетинг (автотранспорт)	Халқаро маркетинг	90	ТАИД
29.	5230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (сув ҳўжалигида)	Бухгалтерия ҳисоби	90	ТИМИ
30.	5210200-Психология (дин социопсихологияси)	Онготенез психологияси ва диффе-ренциал психология	46	ТИУ
300 000 — Ишлаб чиқариш-техник соҳа бўйича				
31.	5311000-Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (сув ҳўжалигида)	Алгоритмлаш ва дастурлаш	36	ТИМИ
32.	5340700-Гидротехника қурилиш (сув ҳўжалигида)	Инженерлик конструкциялари	72	ТИМИ
33.	5320400-Кимёвий технология (органик моддалар)	Органик синтез саноти ускуна ва жиҳозлари	70	ТКТИ
34.	5310700-Электр техникаси, электр механикаси ва электр технология-лар (автомобиль транспорти)	Электротехнология асослари	36	ТАИИ
35.	5340800-Автомобиль йўллари ва аэродромлар	Автомобиль йўллари автоматлаштирилган лойиҳалаш	70	ТАИИ
36.	5310600-Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси (локомобиллар)	Локомобилларнинг тузилиши ва лойиҳалаштирилиши	72	ТТИМИ
37.	5310700-Электр техникаси, электр механикаси ва электр техноло-гиялари (темир йўл транспорти)	Электр ҳаракат таркибини автоматик бошқариш тизимлари	70	ТТИМИ
38.	5340400-Муҳандислик коммуни-кациялари қурилиши ва монтаж (темир йўл транспортида сув таъ-миноти ва канализация тизимлари)	Темир йўл сув таъминоти тармоқларини лойиҳалаш	36	ТТИМИ
39.	5310600-Ер усти транспорт ти-зимлари ва уларнинг эксплуатацияси (локомобиллар)	Локомобилларнинг электр жиҳозлари	42	ТТИМИ
40.	5310600-Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси (вагонлар)	Вагонларга техник хизмат кўрсатиш асослари	56	ТТИМИ
41.	5340200-Бино ва иншоотлар қурилиш (темир йўллар), 5340200-Бино ва иншо-отлар қурилиши (темир йўл бинолари), 5340600-Транспорт иншоотларининг эксплуатацияси (темир йўллар), 5111000-Касб таълими (5340600-Транспорт иншоотлари эксплуатацияси (темир йўллар))	Темир йўл изи	70	ТТИМИ
42.	5310600-Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси (вагонлар)	Вагонларни таъмирлаш технологияси	180	ТТИМИ
43.	5311000-Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматла-штириш ва бошқариш (пахта, тўқимачилик ва енгил санот)	Рақамли схемотехника ва микро-процессорли воситалар	84	ТТЕСИ
44.	5321200-Табийи товларни дастлабки ишлаш технологияси, 5111000-Касб таълими (5321200-Табийи товларни дастлабки ишлаш технологияси)	Ускуналарни эксплуатация қилиш ва таъмирлаш	42	ТТЕСИ
45.	5321200-Табийи товларни дастлабки ишлаш технологияси, 5111000-Касб таълими (5321200-Табийи товларни дастлабки ишлаш технологияси)	Аэродинамика ва пневмотранспорт	28	ТТЕСИ
46.	5320900-Енгил санот буюмлари конструкциясини ишлаш ва техноло-гияси (чарм ва мўйна буюмлари)	Амалий антропология ва биомеханика	60	ТТЕСИ
47.	5320900-Енгил санот буюмлари конструкциясини ишлаш ва техноло-гияси (тўқимачилик саноти)	Тадқиқот услуби ва воситалари	24	ТТЕСИ

48.	5310100-Энергетика (иссиқлик энергетикаси)	Муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш	130	ТДТУ
49.	5330500-Компьютер инжиниринги ("Компьютер инжиниринги", "АТ-сервис", "Ахборот хавфсизлиги", "Мультимедиа технологиялари")	Маълумотлар базаси хавфсизлиги	110	ТАТУ
50.	5330500-Компьютер инжиниринги ("Компьютер инжиниринги", "АТ-сервис", "Ахборот хавфсизлиги", "Мультимедиа технологиялари")	Компьютер архитектураси	36	ТАТУ
51.	5350200-Телевизион технологиялар (Аудиовизуал технологиялар), "Телестудия тизимлари ва ишлов-лари", 5110800-Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси	Компьютер графикаси	36	ТАТУ, ТДПУ
52.	5350200-Телевизион технологиялар ("Аудиовизуал технологиялар", "Телестудия тизимлари ва ишловлари")	Рақамли фотография асослари	36	ТАТУ
53.	5311500-Геодезия, картография ва кадастр (қурилиш)	Геодезия	216	ТАҚИ
54.	5340100-Архитектура (Бино ва иншоот-лар), 5341000-Қишлоқ ҳўдўдларини архи-тектура-лойиҳавий ташкил этиш, 5340200-Бино ва иншоотлар қурилиши, 5340700-Гидротехника қурилиши (дарё иншоот-лари ва гидростанциялар қурилиши), 5311500-геодезия, картография ва кадастр	Бино ва иншоотларни техник баҳолаш	60	ТАҚИ
55.	5340100-Архитектура (бино ва иншоот-лар), 5340200-Бино ва иншоотлар қурилиши (санот ва фўқаро бинола-ри), 5340700-Гидротехника қурилиши (дарё иншоотлари ва гидростанциялар қурилиши), 5341000-Қишлоқ ҳўдўдларини архитектура-лойиҳавий ташкил этиш	Тармоқ иқтисодиёти ва менежмент	42	ТАҚИ
56.	5341000-Қишлоқ ҳўдўдларини архи-тектура-лойиҳавий ташкил этиш	Тураржой туманини лойиҳалаш	40	ТАҚИ
400 000 — Қишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳаси бўйича				
57.	5450100-Ирригация тизимларида сув энергиясидан фойдаланиш	Гидроэлектростанциялардан фойдаланиш	56	ТИМИ
58.	5450300-Сув ҳўжалиги ва мелiorа-ция ишларини механизациялаштириш	Ички ёнғун двигателлари	54	ТИМИ
59.	5450400-Гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш	Насос станцияларидан фойдаланиш	38	ТИМИ
60.	5410800-Ўрмончилик ва аҳоли яшаш жойларини қўқаламзорлаштириш	Ўрмон таксацияси ва ўрмон тузиш	66	ТДАУ
61.	5410200-Агрономия (деҳқончилик махсусотлари турлари бўйича), 5111000-Касб таълими (5410200-Агрономия (деҳқончилик махсусот-лари турлари бўйича))	Минтақавий деҳқончилик тизимлари	118	ТДАУ
62.	5410200-Агрономия (деҳқончилик махсусотлари турлари бўйича), 5411000-Мева-сабзавотчилик ва узумчилик	Микробиология, фитопато-логия ва қишлоқ ҳўжалик биотехнологияси	90	ТДАУ
63.	5410100-Агрономия ва агропро-дукциячилик	Тупроқ бонитровкаси ва ҳайратлаш	72	ТДАУ
64.	5410200-Агрономия (деҳқончилик махсусотлари бўйича), 5411000-Мева-сабзавотчилик ва узумчилик, 5410100-Агрономия ва агропро-дукциячилик, 5410600-Зоотехния (тармоқлар бўйича)	Олий математика	26	ТДАУ
65.	5410600-Зоотехния (чорвачилик)	Чорвачилик махсусотларини ишлаб чиқариш, саклаш, қайта ишлаш технологияси ва стандартлаш	110	ТДАУ
66.	5410600-Зоотехния (чорвачилик)	Чўқчалчилик	72	ТДАУ
67.	5410600-Зоотехния (чорвачилик)	Балиқчилик	50	ТДАУ
68.	5410600-Зоотехния (чорвачилик)	Паррандачилик	110	ТДАУ
500 000 — Соғлиқни сақлаш ва иқтисодий таъминот соҳаси бўйича				
69.	5510200-Педиатрия иши	Нейрохирургия, болалар нейрохирургияси	4	ТПТИ
70.	5510200-Педиатрия иши	Нур диагностикаси ва терапияси	10	ТПТИ
71.	5510200-Педиатрия иши	Эпидемиология, юқумли касалликлар ХЗ	18	ТПТИ
72.	5510200-Педиатрия иши	Болалар касалликларини профилактикаси	36	ТПТИ
73.	5510200-Педиатрия иши, 5510100-Даволаш иши, 5111000-Касб таълими (5510100-Даволаш иши)	Тиббий техника ва янги тиббиёт технологияси	10	ТПТИ
74.	5510200-Педиатрия иши, 5510100-Даволаш иши, 5111000-Касб таъли-ми (5510100-Даволаш иши)	Тиббий биология ва генетика	24	ТПТИ
75.	5510200-Педиатрия иши, 5510100-Даволаш иши, 5111000-Касб таълими (5510100-Даволаш иши)	Тиббий кимё	36	ТПТИ
76.	5510200-Педиатрия иши, 5510100-Даволаш иши, 5111000-Касб таълими (5510100-Даволаш иши)	Шифокор ва бемор	4	ТПТИ
77.	5510200-Педиатрия иши, 5510100-Даволаш иши, 5111000-Касб таълими (5510100-Даволаш иши)	Микробиология, вирусология ва иммунология	36	ТПТИ
78.	5510200-Педиатрия иши, 5510100-Даволаш иши, 5111000-Касб таълими (5510100-Даволаш иши)	Халокат тиббиёти	4	ТПТИ
600 000 — Хизматлар соҳаси бўйича				
79.	5640100-Хўйи фаолият хавфсизлиги	Санот хавфсизлиги	40	ТИМИ
80.	5640100-Хўйи фаолият хавфсизлиги	Енгил хавфсизлиги	48	ТИМИ
81.	5630100-Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (кимёвий ва озик-овқат саноти)	Сув кимёси ва микробиология асослари	28	ТКТИ
82.	5610500-Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича), 5111000-Касб таълими (5610500-Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича)), 5210200-Психология (спорт)	Спорт иншоотлари	20	ЎзДЖТИ
83.	5610500-Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича), 5111000-Касб таълими (5610500-Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича)), 5210200-Психология (спорт)	Гигиена ва спорт гигиенаси	24	ЎзДЖТИ
84.	5610500-Спорт фаолияти (фаолият турлари бўйича)	Психология ва спорт психологияси	32	ЎзДЖТИ



ЭЛДА ҚАДР ТОПГАНЛАР

Нихол ёруғликка талпинганидек, ҳар бир ёш эл ичра қадр топган таникли инсонларга интилиб, уларга ўхшашга ҳаракат қилади. Албатта, халқимиз орасида ёшларга ибрат бўлишга, уларни ўз ортидан эргаштиришга ҳақли инсонлар талайгина. Уларнинг меҳнатини эътироф этиш эса киши кўнглига хушнудлик бағишлайди.

Меҳнат қилган — элда азиз, дейди халқимиз. Бугун элда қадр топганлар эртага ўзларига муносиб шогирдларни тайёрлайди. «Яхшидан боғ қолади» деган нақл маъноларидан бири ҳам шу. Токи орамизда улар бор экан, йигит ёшини яшаётган мустақил диёримизнинг обрў-эътибори жаҳон майдонида ошса ошадики, асло кам бўлмагай. Бунга боболаримизнинг мангуга муҳрланган азиз номлари гувоҳ! Ватан ҳаммамиз учун бебаҳо неъмат! Кўнглимизда борини унга бахшида этмоқ — улуг саодат!

Назира БОЙМУРОВА
олган суратлар.



Ma'rifat

ТА'СИС
ЕТУВЧИЛАР:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi,
O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus
ta'lim vazirligi, O'zbekiston
Ta'lim, fan va madaniyat
xodimlari kasaba uyushmasi
Respublika kengashi.

Bosh muharrir Abdusamat RAHIMOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Indeks: 149, 150. G-1024. Tiraji 39275.
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:

qabulxona — 233-50-55;
kotibiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2030-6436



«Ma'rifat»dan
materiallarni ko'chirib
bosish tahririyat ruxsati
bilan amalga oshirilishi
shart.

Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqriz
qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
O'zA yakuni — 02.10 Topshirildi — 02.45

MANZILIMIZ:
100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:
Liliya BINASHEVA, Malohat TOSHOVA.
Nashatchi muharrir:
Gulyuz ORIFJONOVA.
Nashatchi:
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.